

O'zbekiston respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

Alisher Navoiy nomidagi
Samarqand Davlat universiteti

Мавлон Оллоёров
Эстетиканинг асосий категориялари
Услубий қўлланма

Самарканд – 2011.

Биринчи мавзу

Ҳозирги эстетика фанининг предмети ва вазифалари

- 1. Эстетик фикр тарихида эстетика предмети тадқиқот объекти ва вазифаларига бўлган қарашлар.**
- 2. Эстетиканинг предмети, вазифаларининг ҳозирги замон фан ютуқлари нуқтаи-назаридан белгиланиши.**
- 3. Маънавият борлиқни эстетик ўзлаштиришнинг мақсади сифатида.**

Ҳар бир фан йўналишларининг баҳс мавзуи муайян категориялар (мезоний тушунчалар) ёрдамида тадқиқ этилади. Айни пайтда мазкур категориялар фан йўналишлари тараққиёти натижаси ўлароқ янгича мазмунга эга бўлиб боради. Шунинг учун фан категориялари, шу жумладан, эстетика фани категорияларнинг ўзига хос билиш усуллари сифатидаги табиатини мазкур фан (эстетика) нинг предмети ва вазифаларини белгилаб олиш орқали аниқлаш, тушуниб олиш мумкин. Шунинг учун эстетиканинг категориялари масаласини ана шу йўналишда таҳлил қилиш ва ёритиб бериш зарур. Ўқитувчи магистрларга ўтиладиган ўқув курсини ўтишда ана шу талабдан келиб чиқмоғи лозим.

Ҳар қандай фанлар ўзининг объектларини муайян мезоний тушунчалар — категориялар системаси орқали тадқиқ қилади, қонуниятларини очиб беради. Шунингдек, эстетика ҳам алоҳида фалсафий фан йўналиши сифатида ўзининг тадқиқот объекти, предметини муайян категориялар системаси асосида ўрганади, тадқиқ этади.

Бунда қуйдаги икки жиҳатни инобатга олмоқ керак: биринчидан, фан объектлари назарий билиш маҳсули бўлган категориялар негизида шаклланади, иккинчидан, категориялар мазмуни фан объектларининг тадқиқи жараёнида ўзгариб, ривожланиб боради.

Эстетик категориялар масаласини ўрганишда ана шу қайд этилган жиҳатларни инобатга олмоқ зарур.

Шунга кўра мазкур масалани ўрганишда, бизнингча, энг аввало, эстетиканинг тадқиқот объекти, предметини нима ташкил этишлигини аниқлаб олмоқ лозим.

Чунки эстетика фанининг объекти, предмети ва аҳамияти, вазифалари хусусида эстетик фикр тарихининг барча давлларида турли хил қарашлар, уларнинг тарафдорлари орасида баҳслар давом этиб келган. Ва ҳозиргача ҳам мазкур масала ечими борасида яқдиллик, муштараклик йўқ ҳисоби.

Қадимги юнон натурфайласуфлари (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Гераклит) эстетикани дунё манзарасини яратишга хизмат қилувчи фалсафий фан деб ҳисоблаганлар.

Қадимги юнон мумтоз фалсафий фикри асосчилари Сократ (мил.авв.469-399), Платон (мил.авв.427-347), Аристотел (мил.авв.384-322) лар ҳам эстетика амалий фалсафа сифатидаги йўналиши эканлиги бўйича унинг предмети, аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилганлар.

Улар эстетикани гўзаллик, санъатнинг умумфалсафий ҳамда амалий аҳамиятига молик масалалари билан шуғуullanувчи илм соҳаси тарзида талқин қилганлар.

Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб эстетик фикрида мазкур илм соҳасига санъат воситасида Худонинг моҳиятини англаш, унга етишиш учун хизмат қилувчи илоҳий билимлар тизими деб қаралади.

Бундай қараш тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) томонидан фалсафий-назарий йўналишда баён этилади. Ғарбда кўзга кўринган католик илоҳиётчи (теолог) Фома Аквинский (1225-1274) ўзининг “Илоҳий билимлар мажмуи” номли асарида эстетикани Худонинг мавжудлигини асослаш воситаси сифатида хизмат қилувчи билим соҳаси деб ҳисоблайди.

Турли даврлардаги эстетиканинг объекти, предмети ва вазифалари, аҳамиятини аниқлаш масаласига бўлган қарашларга немис файласуфлари А.Баумгартен, И.Кант, Г.Ф.Гегеллар илмийроқ ёндашадилар.

“Эстетика” (юнон.aisthetikos – ҳиссий идрок қилинадиган) тушунчасини биринчи бўлиб Александр Баумгартен (1714-62) фалсафий йўналишдаги илм соҳасини ифодоловчи атама сифатида қўллайди.

Баумгартеннинг хизмати шундаки, у барча даврларда қизгин баҳс мавзуи бўлиб келган, оддий ҳис-туйғудан юқори турадиган соф мантикий (рационал) йўл билан изохлаб бўлмайдиган ҳодисанинг мавжудлигидан келиб чиққани ҳолда, уни (ушбу ҳодисани) мазкур тушунча билан ифодалайди. Ва ана шу ҳодиса “эстетика” деб номланадиган, фалсафадан ажралган алоҳида фаннинг тадқиқот объекти бўлмоғи керак деб ҳисоблайди. У бу ҳақда шундай деб ёзади: “Бизнинг фанни файласуфнинг назар-этиборига лойиқ эмасликда, у киши ҳиссиётларини ҳаёлида кўринадиган, кечадиган нарса, хотира, эҳтиросларини тасвирлаш фалсафий билим даражасининг аҳамиятини пасайтиришда айбашлари мумкин. Бунга менинг жавобим шундай: “Файласуф ҳам инсон. Ва у шу қадар кенг миқёсли инсон билишининг соҳасидан ажралиб қолишга ҳаққи йўқ”¹.

Баумгартеннинг фикрича, эстетика фани гўзалликни юзага келтирадиган ва уни санъат, бадиий образларда ифодалайдиган ҳиссий билиш ҳақидаги фалсафий фан бўлиб, санъатдаги гўзалликни англаш, идрок этишда амалий аҳамиятга эгадир. У ҳиссий билиш деганда фақат жонли мушоҳадани эмас, балки эмоция, интуиция, хотира, тасавурни назарда тутди.

Собиқ иттифоқ даври нафосатшунослари эстетика фанининг объекти, предметини у ёки бу тарзда А.Баумгартеннинг қарашларини модернизациялаштирган ҳолда белгилайдилар.

¹ Истибоҳ куйидаги китоб бўйича: Гилберт К., Кун Г. История эстетики. М., 1960, с. 307.

Бу ўринда фақат ўша даврнинг энг таниқли нафосатшуноси М.Ф.Овсянниковнинг таърифини келтириш билан чекланамиз: “Эстетика – бу табиат, жамият, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришдаги гўзалликни..., шу жумладан, борлиқни ўзига хос шаклда акс эттирувчи санъатнинг жамиятда амал қилиш қонунларини ўрганадиган фандир”².

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, шўролар салтанатининг сўнгги кунларига қадар ҳам эстетиканинг объекти, предмети ва вазифалари масаласи хусусида тадқиқотчилар яқдил фикр, тўхтамга кела олмайдилар.

Баҳс эса, асосан, эстетиканинг предмети деб эътироф этилган гўзаллик (эстетиклик)³нинг ўзи нима, у нарса-ҳодисаларнинг имманент хусусиятларими ёки инсоннинг уларга берадиган субъектив баҳосими, унинг бошқа эстетик ҳодиса (категория)лар билан муносабати қандай деган саволларга жавоб излаш доирасида олиб борилган эди⁴.

Қайд этилган масала хусусидаги тортишув – баҳс асосан “табиатчилар” (“природники”) ва “жамиятчилар” (“общественники”) деб аталадиган икки концепция тарафдорлари орасида боради. “Табиатчилар” гўзаллик (эстетиклик) объектив борлиқдаги нарса, ҳодисаларнинг физик, химик жиҳатлари сингари табиий хусусиятларидир, деган қарашни илгари сурганлар.

“Жамиятчилар” нинг вакиллари эса гўзаллик (эстетиклик) нинг моҳияти ижтимоий амалиёт (практика) да моддийлашадиган ижтимоий муносабатларда намоён бўлади, деб тушунтирадилар. Уларнинг қарашича, воқеликдаги нарса, ҳодисаларга ҳеч қандай “табиатчилар” даъво қилганларидек, эстетик хусусият хос эмас, бундай хусусият фақат муайян ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келади.

² Овсянников М.Ф. История эстетической мысли. М., “Высшая школа”, 1984. С.7.

³ Бир қатор шўро нафосатшунослари ўз даврида гўзалликнинг моҳиятини ёритишда “эстетиклик” атамасини қўллайдилар ва у барча эстетик тушунчаларга нисбатан иерархиявий тизим ташкил этувчи жинс тушунчасидир, деб таърифлайдилар. Қаранг: Овсянников М.Ф. История эстетической мысли. Стр.7.

⁴ Масалан, бу ҳақда қаранг: Буроев А.И. Эстетика: проблемы и споры. М., “Искусство”, 1975.

“Жамиятчилар”, гарча моддиюнчи оппонент — мухолифларининг давосини рад этсалар-да, лекин ўз қарашларини асослашда ижтимоий борлиқ бирламчи, деган тамойилга таянадилар.

Ҳар икки концепция намояндалари ўз даврида гўзаллик (эстетиклик) нинг моҳиятини очиб бера олмайдилар ва уларнинг ҳеч бирининг нуқтаи назари ҳукмрон камфирқа мафкураси ғояларига мувофиқ келадиган умумий қараш сифатида қабул қилинмайди. Чунки шўролар салтанати мафкурасининг фалсафий-методологик асосини ташкил этувчи материя, ижтимоий борлиқ бирламчи, онг, ижтимоий онг иккиламчи, деган моддиюнчилик тамойилига таянилган эдики, албатта руҳий олам билан боғлиқ гўзаллик (эстетиклик) ҳодисаси моҳиятини мазкур догматик тамойил доирасида очиб бериб бўлмайди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг барча ижтимоий-гуманитар фанлар каби эстетика ҳам шўро ҳукумати сиёсатига “хизматкор” лик қилиш вазифасидан қутилди. Ва унинг ўзига хос фалсафий илм соҳаси сифатидаги мақоми тикланиб, тадқиқотчилар унинг предмети, вазифаларини белгилашга киришадилар.

Лекин уларнинг аксарияти, юқорида таъкидлаб ўтганимиз, А.Баумгартеннинг собиқ иттифоқ даври нафосатшунослигида қисман ўз таъсирини сақлаб қолган қарашлари доирасидан унчалик ҳам четга чиқиб кета олмайдилар.

Масалан, Республикамизнинг етакчи нафосатшуносларидан бири Э.Умаров “Эстетика” ўқув қўлланмасида мазкур фанга қуйидагича таъриф беради:

“Эстетика — бу нафосат олами, санъат ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезиш-идрок қилиш воситалари орқали ўрганиладиган ва ўргатадиган фандир”⁵.

⁵ Умаров Э.Эстетика. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 10-бет.

Кўриниб турибдики, ушбу таъриф А.Баумгартеннинг талқинидаги таърифдан унчалик катта фарқ қилмайди. Яъни бунда фақат санъат эмас, балки нафосат олами қонуниятлари (аслида санъатнинг ўзиям нафосат оламига киради) ҳам ҳиссий билиш орқали ўрганишлиги таъкидланади, холос. Лекин нафосат олами, санъат соҳасида қандай қонунлар конкрет кўрсатиб ўтилмагани ҳолда, уларнинг моҳияти, амал қилиш тамойилларини фақат ҳис-туйғу, сезиш-идрок қилиш воситалари орқалигина ўрганиш мумкин эмаслиги инобатга олинмайди. Зотан ҳар қандай объектнинг моҳияти – унинг таркибидаги зарурий, муҳим боғланишларни ақлий билиш шакллари иштирокисиз билиб олиш мумкин эмас⁶.

Эстетика фанининг объекти борлиқ бўлиб, уни (борлиқни) эстетик ўзлаштириш⁷ унинг предмети ташкил этади ва унинг мезоний тушунчалари, шу жумладан, гўзаллик категорияси мазкур ўзлаштириш жараёнида шаклланади, қонунлари амал қилади.

Шунга кўра айтиш мумкинки, эстетиканинг қонун ва категорияларининг моҳияти “олам-инсон” муносабати, инсоннинг олам тузилишини англашга бўлган эҳтиёжи, интилишида ўз “Мен” ини билиб олишга, яъни унинг борлиқни фалсафий дунёқараш тамойилларига асосланган ўзлаштириши жараёнида намоён бўлади.

Инсоннинг эстетик муносабати унинг ташқи олам билан уйғунлик муносабатида бўлишида ва уни (оламни) ана шу даражада ўзлаштиришида шаклланади.

Кейинги вақтларда айрим МДХ файласуф, нафосатшунослари эстетиканинг фалсафий фан сифатидаги тадқиқот объекти, предмети ана шу йўналишда, яъни инсон ва олам уйғунлиги муносабатида белгиламоқдаларки, биз ҳам бундай қарашга хайрихоҳмиз. Масалан, таниқли

⁶ Абдулла Шер, Б.Хусанов, Э.Умаров. Эстетика. Услубий қўлланма. Т., 2008, 5-бет.

⁷ “Ўзлаштириш” сўзи бирор нарсани (объектни) ўрганиш, тушуниш ўзига сингдириш, билишни ифодалайди. Қаранг: ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981, 497-бет.

рус нафосатшуноси В.В.Бычков мазкур фаннинг предметига доир амалдаги анъанавий қарашлардан фарқли равишда: “Эстетика – бу инсоннинг Универсум (лотин. universalum – умумий, олам, коинот – изоҳ бизники – М. О.) билан бўлган уйғунлиги, маънавий гедонизм ҳақидаги фандир”⁸, деб таърифлайди.

Дарҳақиқат, эстетиканинг собиқ иттифоқ давридан “мерос” бўлиб қолган ва то ҳозиргача ҳам ўзининг тўлиқ ечимини топмаган масалалари, хусусан, эстетик қонун ва категориялар масаласи бизнингча, уйғунлик (гармония) тамойили асосида тўлароқ ўз ечимини топади. Биз бу ҳақидаги қарашимизни мўъжаз рисоламизда қисман асослашга ҳаракат қилганмиз⁹.

Белгиялик ва германиялик физик олимлар И.Пригожин, Г.Хакенлар томонидан ишлаб чиқилган, Нобел мукофотига сазовор бўлган (1977) синергетика назарияси оламнинг тузилиши, олам ва инсон мунсоабати ҳақидаги мавжуд тасаввур, дунёқарашларни XX асрнинг охиригача келиб ўзгартириб юборди.

Синергетика назариясида турли хил табиатга эга системалар (физик, химик, биологик, техник, ижтимоий) ўз-ўзини ташкиллаштириб туриш тамойили асосида доимий ўзгариб туриши ва шунга кўра улар умумий қонуниятга бўйсунлиги асосланилади. Бунда ўз-ўзини ташкиллаштириш деганда, мураккаб чизиқсиз системалардаги тартибланиш, уйғунлашган тарзда фазо ва вақт бирлигида структуравий тузилмаларнинг юзага келиши жараёни назарда тутилади.

Мазкур жараён эса бифуркация (системанинг беқарор ҳолати) ва флуктуация (ташқи тасодифий кичик таъсир) бирлигида кечадики, бунда муаян система ўз ҳолатини бирдан ўзгартиради. Ва бундай ўзгариш

⁸ Бычков В.В. Эстетика. Краткий курс. М.: Академический проект, 2009, с.21.

⁹ Қаранг: Оллоёров М. Уйғунлик (гармония) борлики эстетик ўзлаштиришнинг қонуни сифатида. Самарқанд, 2011.

тартибсизликдан тартиблилик (уйғунлик)нинг юзага келганлиги билан характерланади.

Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, ўз-ўзини ташкиллаштириш натижасида айна пайтда диссипатив (лот.dissipatio-тарқоқ) тартибсиз (хаотик) структуралар ҳам юзага келишлиги кузатиладики, бу Пригожиннинг назариясида очик қолган масала ҳисобланади. Шу боис ўз-ўзини ташкиллаштириш тушунчасининг мазмун-моҳияти тўлиқ очилмасдан қолган деб қаралади.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнининг ана шу очик қолган жиҳатини СамДУ физика факультетининг квант электроника ва назарий физика кафедрасининг доценти Э.Н.Шерматов кўп йиллик тадқиқотларининг якуни бўлган эфир заррачаларининг (эфир суюқлиги) осциляторлик (лот.oscillare-тебраниш) – уйғун ҳолда частотали тебраниш ва голограммавий (юнон.polos – оғирлик grapho – ёзмоқ) – ҳар-бир эфир заррачасида коинот ҳақидаги ахборотнинг борлиги табиатига эга эканлиги ҳақидаги қарашлари – илмий дунёқараш модели асосида тушуниш мумкин деб ҳисоблайди¹⁰.

Ушбу моделга кўра, оламнинг бошланғич негиз элементини ташкил этувчи эфир заррачалари тартиблилик, системалилик ҳолатида бўлади. Шу боис умуман тартибсиз (хаос) ҳолатидаги системалар йўқ, бундай ҳолат фақат осцилляция натижасида системанинг ўзгариши оралиғидаги вақтдагина юзага келади.

Э.Н.Шерматовнинг моделига биноан, жонсиз системалардаги осцилляция, голограммавий табиатга эга ўз-ўзини ташкиллаштириш жонли, шунингдек, ижтимоий системаларда ўзига хос тарзда, яъни тартиблилик (уйғунлик) ошиб, энтропия (юнон.en – ички, trope - бурилиш), яъни тартибсизланиш камайиб боради.

¹⁰ Қаранг: Шерматов Эркин. Оламнинг сир-синаотлари ва экологик таълим. // “Зарафшон” газетаси, 2011 йил, 6,8,13,15-сентябр сонлари, 4-саҳифалар.

Чунки жамият, ижтимоий системанинг таркибий қисми бўлган инсон ўзининг голографик тизим тарзидаги фаолиятини оламни ва ўз-ўзини билиб, англаб олишга қаратилган онги, ақли, идроки орқали амалга оширади¹¹.

Э.Н.Шерматов модели, бизнингча, эстетика фанида ҳам ўзининг тўлиқ ечимини топмаган унинг қонунларининг табиати, амал қилиши, категорияларининг системалилиги масалаларини илмий таҳлил қилиш, ечишда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, оламни билишнинг ўзига хос шакли, усули бўлган дунёни эстетик ўзлаштиришнинг зарурий, муҳим жиҳати – уйғунлик (гармония)нинг моҳиятини осцилляция, голограмма ҳодисаларининг табиатини, уларнинг жамият тизимида амал қилиш тамойилларини билмасдан туриб чуқур англаб олиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Айтилганлардан келиб чиқадиган умумий хулоса шуки, эстетика инсоннинг борлиқни уйғунлик тамойиллари асосида ўзлаштириш ҳақидаги фан бўлиб, мазкур ўзлаштиришда Ҳақиқат, Эзгулик олий қадриятлари Гўзаллик - нафосат олами орқали рефлециялашиб унинг маънавиятига айланади. Шунга кўра эстетика ўзига хос амалий фалсафа, аниқроғи, инсоннинг том маънодаги маънавий мавжудот сифатида шаклланишига хизмат қиладиган илм соҳасидир.

Инсон Гўзаллик оламига киргандагина Борлиқ билан бирга яшайбошлайди ва унинг уйғунлигини юксак даражадаги реаллик сифатида англаб етади. Уйғунликни бундай ҳис қилиш, англаш эса инсоннинг барча хислати, фазилатларини ўзаро ички мутаносибликка кириштириб, инсонпарварлаштирувчи (гуманизациялаштирувчи) ўзига хос ибтидо асос ҳисобланади.

Инсоннинг нафосат (гўзаллик) оламига кириши, яъни Борлиқни уйғунлик тамойиллари асосида ўзлаштириши жараёни юксак маънавий-

¹¹ Ўша газета.

руҳий лаззатланиш ҳисси билан шартланган бирлаштириш (интеграциялаштириш) табиатига эга бўлган эстетик онг ва эстетик фаолият бирлигида амалга ошади. Ва мазкур жараёнда борлиқнинг қадриятли жиҳатларини ифодаловчи “гўзаллик”, “улуғворлик”, “фожиавийлик”, “ҳажвийлик” каби мезоний тушунчалар (категориялар) шаклланади.

Мифология инсоннинг борлиқни дастлабки ўзлаштириш усули бўлиб, у ибтидоий одамнинг ўзини қуршаб турган ташқи олам, табиатдан ажратиб олиш қобилиятига эга бўлмаганлиги туфайли эмас, балки нафосатшунос В.Ф.Мартинов таъкидлаганидек, унинг ўз ички руҳий дунёсини борлиқ-коинот билан уйғун (гармоник) ҳолда боғлашга, муносабатда бўлишга интилиши жараёнида пайдо бўлади¹².

Мазкур жараёнда ибтидоий одамнинг космологик тасаввурлари билан йўғрилган Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик ҳақидаги илк тушунча, қарашлари шаклланади.

Айтиш мумкинки, худди шу пайтдан бошлаб ибтидоий одам ҳаётида туб бурилиш, яъни унинг “ақлли мавжудот” (Homo Sapiens)ликдан “маънавий мавжудот”га ўтиши юз беради. Ва эстетик фикр тараққиётининг барча даврларида инсоннинг маънавияти такомили асосий масала бўлиб келган.

Ушбу масалани таҳлил қилишда ўқитувчи халқ оғзақи ижоди, фольклор намуналарига таянмоғи зарур. Буни, айниқса, магистрларга ўтиладиган “Фольклор эстетикаси” курсини ўтишда алоҳида эътиборга олиш лозим.

Бу ўринда шуни эътироф этиш керакки, эстетикага оид амалдаги ўқув адабиётларида унинг предмети, вазифалари инсоннинг борлиқни уйғунлик тамойиллари асосида ўзлаштиришлиги ва мазкур жараёнда унинг маънавий микрокосм, яъни ўз микрооламида умуминсоний Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик

¹² Қаранг: Мартынов В.Ф. Философия красоты. Минск, Тетра Системе, 1999, с.10.

олий қадриятларини мужассамлаштирувчи феномен сифатида шаклланишлиги эътибордан четда қолдирилади.

Бугунги кунда, бизнингча, эстетик онг ва эстетик фаолияти масаласи фақат “жамият-шахс” муносабати доирасида эмас, балки “борлиқ-шахс-жамият” тизими уйғунлигида таҳлил қилинмоғи лозим.

Чунки ҳозирги глобаллашув жараёни, фан-техниканинг инсонпарварлик ғояларини тан олмайдиган технократик йўналишдаги тараққиёти инсоният цивилизациясига хавф солувчи муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай муаммолар ечими эса, энг аввало, инсониятни юксак маънавиятга эриштириш ва шу асосда ирқи, маданияти, дини турлича бўлган халқлар, миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини, интеграциясини қарор топтиришдадир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мамлакатимизнинг бугунги куни, келажагига дахлдор долзарб муаммо, вазифалар бутун инсоният, жаҳон цивилизацияси тақдири билан боғлиқ бўлган глобаллашув жараёни доирасида талқин қилинади.

Китобда маънавият миллий тараққиётимизнинг омили бўлишлиги баробарида, инсоният тамаддунини ҳозирги глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари хавфидан қутқарадиган бирдан-бир куч эканлиги кўрсатиб берилади.

Бунда, айтиш мумкинки, Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик каби умуминсоний олий қадриятли ғоялар инсон руҳий олами, қалбидан муқаддас-гуманистик тушунчалар тарзида жой олгандагина улар беқиёс куч, инсоннинг барча қарашларининг мезони, яъни маънавият феномени мақомини олади.

“Маънавият, - деб ёзади И.А.Каримов, инсонни руҳан поклаш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-

этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹³.

Ҳозирги ахборот-технология даври инсондан Ҳақиқатни маълумот, прагматик билимлар даражасида англашни эмас, балки уни эстетик онги орқали идрок этишни ва эстетик фаолиятини Эзгулик тамойиллари билан баҳолайдиган асосий мезон сифатида олиб боришни тақозо этмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.
2. Абдулла Шер, Хусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. Т., 2010. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.
3. Буров А.И. Эстетика: проблемы и споры. М., “Искусство”, 1975.
4. Бычков В.В. Эстетика. Краткий курс. Москва, Академический проект, 2009.
5. Мартынов В.Ф. Фило софия красоты. Минск, Тетра Системе, 1999.
6. Двсянников М.Ф. История эстетической мысли М., «Высшая школа», 1984.
7. Оллоёров М. Уйғунлик борлиқни эстетик ўзлаштириш қонуни сифатида. Рисола. Самарқанд, 2011.
8. Умаров Э. Эстетика. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
- Шерматов Э. Олам сир-синоатлари ва экологик таълим. “Зарафшон” газетаси, 2011, сентябрь, 4-саҳифа.

¹³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 20-бет.

Иккинчи мавзу

Эстетиканинг категориялари (мезоний тушунчалари) борлиқни уйғунлик (гармония) тамойиллари асосида ўзлаштиришнинг усуллари сифатида

1. Эстетика фани категорияларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Эстетик категорияларни системалаштириш масаласи.
3. Уйғунлик (гармония) система ташкил этувчи тамойил сифатида.

1. Эстетика фани категорияларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўқитувчи ушбу масалани таҳлил қилишда эстетика фанининг предмети, вазифалари, унинг асосий категориялари орқали англашлигига эътиборини қаратмоғи керак.

Эстетиканинг ўзига хос фалсафий фан эканлиги назарий-методологик ва амалий аҳамиятга эга вазифалари, унинг категория (мезоний тушунча)лари борлиқни ўзлаштиришнинг ўзига хос усуллари эканлигида намоён бўлади.

Эстетиканинг категориялари инсоннинг борлиқни эстетик онги ва фаолияти бирлигида ўзлаштириши – уни (борлиқни) билиб олиши, баҳолаши, ўзгартириши ва ўз борлиғига ҳам шундай муносабатда бўлиши жараёнида шаклланади, мазмунан бойиб боради.

Эстетика борлиқни эстетик ва бадий ўзлаштиришнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафий фан сифатида муайян категориялар (мезоний тушунча)лар тизими билан иш кўради. Мазкур категориялар шунга кўра асосан икки гуруҳга ажратилади: 1) эстетик фаолият категориялари (эстетик ўзлаштириш, дизайн, эстетик идрок, бадий лойиҳалаш, техника эстетикаси); 2) эстетиклик (нафосатлилик) хусусиятлари ва санъатнинг моҳиятини ифодаловчи категориялар;

Эстетиканинг мезоний тушунчалари эстетик онг ва фаолият бирлигида юзага келадиган ва уларнинг унсур соҳаларининг мазмунини ташкил этувчи категориялар ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фан билимлар тизими сифатида ўзининг мезоний тушунча, категорияларига эга бўлиб, улар тадқиқ этиладиган объектнинг муҳим томонларини, қонуниятли боғланишларини акс эттирадилар (Масалан, физикада – “масса”, “энергия”, биологияда – “ҳаёт”, “ирсият”, иқтисод назариясида – “товар”, “пул” ва ҳ.к.).

Демак, категориялар ҳар бир фаннинг билиш соҳасининг натижаси ўлароқ юзага келади ва айти пайтда билишнинг ўзига хос усули, воситаси вазифасини ҳам ўтайди.

Фан категорияларига хос хусусиятлар эстетиканинг мезоний тушунчаларига ҳам тааллуқлидир. Лекин улар айти пайтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Булар:

1. Мазкур категориялар борлиқдаги барча нарса, ҳодисаларнинг умумий томонларини, боғланишларини, муносабатларини ўзида акс эттиради. Шунга кўра улар фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларнинг моҳияти фалсафанинг умумий категориялари мазмуни орқали англашилади.

2. Эстетик категориялар билишнинг ўзига хос типи – эстетик билишнинг натижаси ўлароқ объективлик ва субъективлик табиатига эга. Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур категорияларда субъектнинг объектга унинг моҳиятини шунчалик билиб олиш мақсадида эмас, балки ўзи ва бошқалар учун аҳамиятлилиги, қадриятлилиги нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиши ифодаланади. Деярли барча фанларда билиш объектнинг моҳиятини билиб олишга қаратиладиган бўлса, эстетикада билишнинг йўналиши рефлексив, яъни субъектнинг ўзига қаратилган бўлади. Бунда объектнинг моҳиятини билиш – ўз-ўзини билиш

ҳисобланади. Шунга кўра эстетик категориялар рефлексив табиатга эга бўлиб, унда субъектнинг объектни муайян мезон, ўлчовлар асосида баҳолаши ва унга маънавий қадрият тарзида муносабатда бўлиши акс этади (масалан, уни “гўзал” ёки “хунук” деб баҳолаш). Бундай мезон, ўлчов вазифасини эса муайян бир жамиятнинг эмас, балки умуминсоний ижтимоий идеал, ғоялар ўтайди.

3. Мазкур категориялар тушунчалар тарзида, яъни тафаккур шакли бўлиши билан биргаликда конкрет шахснинг хис-туйғу рухий кечинмаларини ҳам ўзида ифодалайди. Дарҳақиқат, эстетик мезоний тушунчалар “соф” фикр шакллари эмас, балки субъектнинг ички дунёси, маънавий олами ифодаловчи юксак босқичдаги ҳиссий билиш шакллари – сезги, идрок, тасаввурларидир.

Эстетиклик (нафосатлилик) – муштарак категориядир, яъни у ўзида барча бошқа эстетик мезоний тушунчаларни бирлаштирадиган метакатегориядир¹⁴.

Мазкур категорияда инсоннинг эстетик субъект сифатида борлиққа, воқеликдаги нарса, ҳодисаларга бўлган рефлексивлашган муносабати ифодаланади. Шунга кўра у фалсафий мазмунга эга бўлиб, бу эстетик билишнинг хусусиятлари орқали англашилади.

2.Эстетик категорияларни системалаштириш масаласи. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, эстетик категорияларнинг системалилиги ҳали мавжуд илмий, ўқув адабиётларида ўз ечимини тўласинча топмаган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади¹⁵. Мазкур масала ечимига доир турлича қараш, ёндашишлар мавжудки, уларнинг ҳеч бири ҳалигача умумэтироф этилган ҳолда қабул қилинмаган.

¹⁴ Мавжуд ўқув адабиётларида ушбу метекатегория “нафосат” деб таржима қилинган ҳолда ишлатилади. Бизнингча, уни умумэтироф этилган – “эстетикалик” атамаси тарзида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

¹⁵ Қаранг: Абдулла Шер, Баходир Ҳусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010, 101-102-бетлар.

Эстетик категорияларнинг системалилиги, ўзаро функционал боғлиқлиги “эстетиклик” (“нафосатлилиқ”) тушунчасида¹⁶ ифодаланади. Лекин шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилидаги мавжуд ўқув адабиётларида ушбу атама система ташкил этувчи алоҳида категория сифатида олиб қаралмайди. Ваҳолангки, мазкур метакатегориясиз бошқа эстетик категорияларнинг яхлит система қисмлари тарзидаги ўзаро боғланишларини белгилаш мумкин эмас.

Эстетиклик - энг умумий метакатегория бўлиб, унда барча бошқа – эстетик категорияларнинг мазмуни муштараклашади ва фалсафий моҳият касб этади. Мазкур категорияда инсоннинг эстетик субъект сифатида борлиқдаги нарса, ҳодисаларга бўлган дунёқараш тизимидаги муносабати ифодаланади.

Борлиқнинг барча соҳалари – табиат, жамият ва шахс ҳаётининг эстетик жиҳатлари фақат инсоннинг уларга эстетик субъект даражасида бўлган муносабатида англаб олинади, баҳоланади ва ўзлаштирилади. Инсоннинг эстетик субъект сифатидаги даражаси эса Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик олий қадриятлари тамойилларининг унинг фаолиятида, борлиғида қай даражада ўзининг тажассумини топганлиги билан белгиланади.

Шундай қилиб, эстетиклик категориясининг моҳияти барча эстетик тушунчаларнинг хусусан, гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, ҳажвийлик мезоний тушунчаларнинг ўзаро функционал алоқадорлиги, яъни муайян система тарзидаги мақомида намоён бўлади. Мазкур тушунчалар (категориялар) бир-бирини тақозо этадиган ва бири-бирига ўтиб турадиган система қисм жиҳатларининг ўзаро ички алоқадорликдаги хусусиятларини ифодалайди. Мазкур системани қуйидагича схемада ифодалаш мумкин.

Мазкур тушунчалар эстетик билишнинг ўзаро бир-бирини мазмунан тақозо этадиган ва бир-бирига ўтиб турадиган жиҳатлар тарзидаги

¹⁶ Бу ҳақида батафсил қаранг: Оллоёров М. Эстетик категорияларни системалаштириш масаласи хусусида.//СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2010, №

алоқадорликдаги хусусиятларини ифодалайди. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.

А-эстетиклик (нафосатлилик)

Б-гўзаллик

В-улуғворлик

Г-ҳажвийлик, фожиавийлик

→-ўзаро мазмунан бир-бирини тақозо этиши, бир-бирига ўтиши ишораси.

Эстетик категорияларнинг системаллиги масаласини инсоннинг борлиқ билан уйғунлик (гармония) тамойили асосида ўзлаштириши, яъни “очиқ” система доирасида олиб қараш, таҳлил қилишни талаб этади.

Ва шу пайтдагина уларнинг жамият ва шахс маънавий ҳаётида ўзига хос билиш жараёнининг натижалари – эстетик билимлар сифатидаги тутган муҳим ўрни англашилади. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда эстетика фани эстетиклик ҳодисасини инсон моҳияти, унинг ўзлигини англаш йўналиши масаласи билан боғлиқ тарзда эмас, балки кўпроқ “гўзаллик”, “улуғворлик”, “фожиавийлик”, “ҳажвийлик”, “эстетик онг”, “эстетик фаолият”, “санъат” каби мезоний тушунчаларнинг мазмунини ёритиш, уларни таҳлил ва тавсиф қилиш билан шуғулланадиган ўқув предмети бўлиб қолмоқда.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур фан, асосан, матнни ўрганиш билан чегараланадиган, категорияларини, айтиш жоиз бўлса, “ёпиқ система” тарзида тадқиқ қиладиган метаэстетика, яъни эстетиканинг ўз-ўзини ўрганувчи билим назарияси даражасида қолмоқда.

Ижтимоий онг шаклларининг шахс ва жамият муносабати тизимида ўзаро функционал боғланишда амал қилиш усули бўлган маънавият феномени эстетик категорияларни интегратив яхлитликда системалаштирувчи ва уларнинг онг ҳодисаларидан амалиёт мазмунига

айланиш усули ҳисобланади. Зотан маънавият, Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, кишиларнинг барча қарашларининг мезонидирки¹⁷, ушбу тамойил бевосита эстетик қарашларга ҳам тааллуқлидир. Фикрий умумлаштириш, мавҳумлаштириш якуни бўлган эстетик категориялар ўзига хос билимлар системаси тарзида маънавият доирасида, унинг мақомида конкретлашади. Чунки, “маънавият – бу кишилар эгаллаган билимларнинг уларнинг кўникма ва малака даражасидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий сифатлар мажмуидир”¹⁸.

Эстетиканинг барча мезоний тушунчалари эстетиклик метекатегорияси орқали ихтиёр эркинлиги тамойилига асосланган ахлоқий қонун-қоида, меъёр ва тамойиллар мазмунини ўзида мужассамлаштирувчи Эзгулик, Ҳақиқат олий қадриятлари билан ўзаро функционал алоқадорликда уйғунлашиб маънавият феномени мақомини олади.

Эстетик категорияларнинг ҳар бирининг “очиқ”система – маънавият тизимининг имманент унсурлари тарзидаги табиати уларнинг фалсафий, яъни дунёқараш мазмун-моҳиятига эга эканлиги билан белгиланади.

Лекин шуни эътироф этиш керакки фалсафага оид деярли барча ўқув адабиётларида дунёқараш инсоннинг оламнинг тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизими тарзида талқин қилинади¹⁹.

Аниқроқ қилиб айтганда, дунёқараш инсоннинг олам ҳақидаги турли хил қарашларининг мажмуи – тўплами тарзда олиб қаралгани ҳолда, уларнинг функционал боғланиши ва унинг натижаси - маънавият феномени мақомида амал қилишлиги назардан четда қолдирилади.

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, -бет.

¹⁸ Зиёмухаммедов Б. Комилликка элгувчи китоб. Т., Турон-икбол, 2006, -бет.

¹⁹ Масалан, қаранг: Фалсафа асослари. Т., “Ўзбекистон”, 2005, 18-бет.

Бизнингча, дунёқараш – бу том маънода инсон қарашлари, тасаввурлари, билимларининг ўзаро функционал боғлиқликда унинг маънавияти мақомида амал қилишидир.

Эстетик категорияларнинг системалилиги, уларнинг дунёқараш тизимидаги функционал алоқадорлиги, боғлиқлиги эстетик онг ва эстетик фаолият ижтимоий онг ва ижтимоий фаолиятнинг таркибий қисми эканлиги билан белгиланадики, бу қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, эстетик категориялар энг умумий фалсафий мазмунга эга тушунчалар сифатида инсон онгининг юксак шакли бўлган эстетик онг хоссаси, эстетик билиш маҳсулидир. Бошқача қилиб айтганда, киши эстетик субъект даражасида объектга муносабатда бўлганда, унда эстетик онг унсурлари шаклланади ва уни гўзаллик, улуғворлик, фожиявийлик тамойиллари бўйича баҳолайди. Иккинчидан, эстетик фаолият инсон умумий фаолиятининг таркибий жиҳати бўлиб, унда унинг эстетик онги маҳсули бўлган эстетик категорияларнинг идеал, мезоний мазмуни моддийлашади – маънавий, моддий қадриятларда, кишиларнинг турмуш тарзида мужассамлашади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда эстетик категорияларнинг системалилигини белгилайдиган қуйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

1. Улар инсоннинг дунёқараши тизимида шаклланадиган ва борлиқдаги нарса, ҳодисаларнинг боғланишларини, уларга бўлган баҳовий муносабатларини ифодалайдиган категориялардир. Шунга кўра улар моҳиятан фалсафий мазмунга эгадирлар.

2. Улар билишнинг ўзига хос шакли – эстетик билишнинг натижаси ва айни пайтда ҳам воситаси, усулидир. Мазкур билишнинг субъекти муайян эстетик онг даражасига эга бўлган шахс-эстетик субъект ҳисобланадики, бундай субъектсиз эстетик объект бўлмайди. Чунки, биринчидан, объектнинг

эстетик жиҳатлари зоҳирий ҳодиса ҳолатида эмас, балки моҳияти тарзида англашилади. Иккинчидан, эстетик билишда субъектнинг объектга муносабати рефлексив табиатга эга бўлиб, билишнинг йўналиши унинг ўзига қаратилган бўлиб, бунда объектнинг моҳиятини билиш ўз-ўзини билиш билан узвий боғлиқ жараён тарзида кечади. Ва бунда субъект объектни эстетик категориялар мезонидан туриб баҳолайди ва унга маънавий қадрият сифатида муносабатда бўлади.

3. Мазкур категориялар мавҳумий (абстракт) тушунчалар, яъни тафаккур шакллари тарзида бўлиши билан биргаликда, уларда конкрет шахснинг ҳис-туйғу, руҳий олами, ботиний кечинмалари, ҳаёлот – тасаввурлари ҳам ифодаланади. Шунга кўра эстетик категориялар “соф” фикр шакллари бўлмасдан, ҳис-туйғу ва тафаккурнинг диалектик бирлигидаги билиш усули, воситалари вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, эстетик категориялар инсоннинг борлиқни уйғунлик тамойили асосида кечадиган интеллектуал, ахлоқий ва эстетик ўзлаштириши жараёнида маънавият феномени сифатида системалашади.

Шуни яхши англаш керакки, эстетика категорияларининг ҳар бирини алоҳида, бир-биридан ажратиб ўрганиш шартли бўлиб, амалда улар бир бутун организм тарзида маънавият системасининг ўзаро ички функционал алоқадорликдаги “аъзо” – қисмлари ҳисобланади.

Буни ўқитувчи маъруза ва амалий машғулотларида талабаларга уқдириб ўтмоғи лозим.

3. Уйғунлик система ташкил этувчи тамойил сифатида

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий билишда **система назарияси, системали ёндашув** деб аталадиган методологик йўналиш юзага келади. Ва табиатдаги нарса, ҳодисалар, шунингдек, ижтимоий тузулмалар ана шу йўналишда тадбиқ этила бошланади²⁰.

Системали ёндашувга биноан, билишнинг мақсади барча объектлар яхлит бир бутунлик тарзида мавжуд ва уларни билиш учун система – объект элементлари, структуравий қисмлари ўртасидаги боғланишни аниқлашдир²¹.

XX асрнинг 60-70 йилларида юзага келган синергетика назариясига биноан, ҳар қандай эски система янгиси билан беқарорлик ва барқарорлик, тартибсизлик ва тартиблилик ҳолатларининг бирлигига асосланган ўз-ўзини ташкил этиш жараёнида алмашади. Мазкур жараён эса ҳар бир нарса, ҳодисанинг ички хусусиятлари ва ташқи алоқадорликларининг уйғунлашиши тарзида кечади.

Шунга кўра айтиш мумкинки, уйғунлик ҳар қандай системаларнинг умумий муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу боис уйғунлик (гармония) фалсафий тушунча бўлиб, муаян бир система элементлари, таркибий қисмлари ривожланишининг муаян бир даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб, узвий чамбарчас боғлиқлик ва алоқадорлик ҳолатини ифодалайди²².

Мазкур кенг қамровли тушунча аксарият фан соҳаларида, хусусан, эстетика, этика, санъатшунослик (муסיқашунослик) да ҳам қўлланиладиган категория ҳисобланади.

²⁰ Қаранг: Аверьянов А.И. Системное познание мира. М., Политиздат, 1985; Фофанов В.П. Социальная деятельность как система. Новосибирск, “Наука”, 1981.

²¹ Фалсафа қомусий луғат.Т., “Шарк”, 2004, 370-бетлар.

²² Қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат. 81-бет.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, ушбу тушунча амалдаги фалсафа ва қайд этилган унинг йўналишларига, шу жумладан, эстетикага оид амалдаги ўқув адабиётларида алоҳида категория сифатида олиб қаралмайди. Бизнингча, юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, уйғунлик инсон ва борлиқ муносабатида кечадиган эстетик ўзлаштириш жараёнининг муҳим тамойили бўлиб, у орқали мазкур жараённинг натижаси ўлароқ шаклланадиган категориялар системалашади. Яъни, гўзаллик, улуғворлик ҳажвийлик, фожиавийлик мезоний тушунчалари эстетик онг ва фаолият бирлиги доирасида ўзаро ички мувофиқлик, мутаносибликка киришиб маънавият феноменининг таркибий унсурига айланади.

Уйғунликнинг система ташкил этувчилик хусусияти, шунингдек, эстетик категорияларнинг ҳар бирининг алоҳида кичик системалар тарзидаги структуравий (таркибий) элементларининг юксак даражада шакл ва мазмун бирлигини таъминлашида намоён бўлади.

Масалан, эстетиканинг марказий категорияси ҳисобланувчи гўзалликнинг теран фалсафий моҳияти шакл ва мазмуннинг қайд этилган даражадаги уйғунлиги орқали англашилади.

Зотан, гўзалликнинг турфа хил эврилишлари, бетакрор хилқат сифатидаги табиати мазмунга мувофиқ келган шаклда тажассум топган бўлади. Оддий кўз, одатда, гўзалликнинг мазмундан айри ҳолдаги зоҳирий томони – шаклни кўради, ботиний нигоҳгина ундаги (шаклдаги) уйғунлашган мазмунни сувратлантира олади. Ушбу ҳол, айниқса, санъат соҳасига кўпроқ тааллуқлидир. Чунки шакл ва мазмун уйғунлиги санъат асарларида гўзаллик ифодаланишининг (юксак санъат асарларининг яратилишининг) ва юксак эстетик идрок этилишининг зарурий шартидир.

Бу ўринда Оноре де Бальзакнинг “Ғойиб бўлган дурдона” ҳикоясидаги машҳур француз мусаввири Френхофернинг ўз шогирди Франсуа Порбусга (1570-1629) қарата айтган қуйидаги сўзлари диққатга моликдир:

“Сиз шаклни қалбдан туя билмайсиз, ундаги ҳар бир четлашиш ва чекланишни зўр ихлос ва сабот билан кузата олмайсиз. Гўзаллик бу – сипо ва қайсар хилқат...

Шакл бу Протей (юнон мифологиясидаги денгиз илоҳаси – изох бизники М.О.), бироқ афсонадаги Протейдан юз карра абжир ва ҳийлакор! Қаттиқ олишувдан сўнггина уни асл қиёфасида кўринишга мажбур этиш мумкин. Сизлар эса, унинг ўзи қай қиёфада кўринишни хоҳласа, шу биргина қиёфаси, нари борса, иккинчи, учинчи қиёфасини кўриш билан қаноатланасиз”²³.

Шундай қилиб, уйғунлик (гармония) системалар таркибий қисмларининг ўзаро мувофиқлиги, мутаносиб тарздаги ўзаро ички алоқадорлиги экан, унда бундай алоқадорликни таъминловчи қандай куч бор?

Гарчи барча даврларда файласуфлар, нафосатшунослар уйғунлик ҳақида фикр юритиб келган бўлсалар-да, лекин ушбу савол жавобни четлаб ўтганлар. Бу ҳақида бош қотирганлари ҳам бадастир фикр айта олмаганлар. Мазкур саволнинг жавобисиз қолиши моддий оламдаги барча нарсалар қандай куч туфайли бир-бири билан тортишади, деган масаланинг, Исаак Ньютондан кейин уч юз йил ўтган бўлса-да жумбоқлигича қолиб келаётганлиги билан изоҳланади. Ушбу масала ечими хусусида ҳам бугунги кунда ҳам физиклар бош қотириб келмоқдалар.

Таниқли рус физик олими Л.Е.Федулаев “Гравитациянинг физик шакли” номли китобида жисмларда ўзаро тортишиш учун сарфланадиган

²³ Оноре де Бальзак. Ғойиб бўлган дурдона // “Тафаккур” журнали. №1, 2011 йил, 51-бет.

қувват (энергия) йўқ, бундай қувват илоҳий манбадир деб эътироф этади²⁴. Қадимги юнон файласуфи Эмпедокл (эрам.авв.483-423) самовий муҳаббат жисмларнинг ўзаро тортишишини таъминлайдиган кучдир, деган фикрни билдирган эдики, бу бугунги физик олимнинг қарашларига туртки бўлган деса бўлади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, инсоннинг ўз руҳий оламини борлиқ билан туташтириши, боғлиқликда олиб қарашида пайдо бўладиган юксак ҳис-туйғу-муҳаббат эстетик мезоний тушунчаларни яхлит система – маънавият ҳодисаси сифатида уйғунлаштиришнинг ички қуввати – кучи ҳисобланади.

Маълумки, Шарқ тамаддунини гуманистик йўналишда юксак босқичга кўтаришга хизмат қилган тасаввуф таълимотининг асосида инсон комиллиги, унга эришишнинг йўли – Ишқ (муҳаббат) дир, деган ғоя ётади. Бундай Ишқ эса киши қалбида унинг Яратувчини – Худони мутлақ Гўзаллик тимсолида кўриши, севиш орқали туғилади.

Комил инсон илдизлари маданий меросимиз, диний қадриятларимиздан озикланадиган миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, уни рўёбга чиқариш, ҳаётга тадбиқ этишда эстетик тарбия муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Ва мазкур тарбия шахсда уйғунлик, системалилик тамойили асосида унинг маънавиятининг таркибий қисми бўлган эстетик маданиятни шакллантириш, ривожлантириш йўналишида олиб борилмоғи зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални улуғлаган китоб. “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган

²⁴ Қаранг: Федулаев Л.Е. Физическая форма гравитации. Диалектика природы. М., Ком. Книга, 2006, с. 22.

ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001 йил, 9-сентябр.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.

3. Абдулла Шер, Хусанов Баҳодир. Эстетика. Услубий қўлланма. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.

4. Аверьянов А.И. Системное познание мира. М., Политиздат, 1985.

5. Бальзак О. Ғойиб бўлган дурдона//”Тафаккур” журнали, 2011. №1.

6. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т., Турон – иқбол, 2006.

7. Оллоёров М. Шарқ фалсафий фикр тараққиётининг хусусиятлари. Самарқанд, 1993.

8. Оллоёров М. Эстетика. Маърузалар курси. Самарқанд, 2003.

9. Оллоёров М. Эстетик категорияларни системалаштириш масаласи хусусида//СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2010, №4(62), 42-44-бетлар.

10. Оллоёров М. Уйғунлик (гармония) борлиқни эстетик ўзлаштириш қонуни сифатида. (рисола), Самарқанд, 2011.

11. Фалсафа. Қомусий луғат. Т., “Шарқ”, 2004.

12. Фалсафа асослари. Т., “Ўзбекистон”, 2005.

13. Федулаев Л.Е. Физическая форма гравитации. Диалектика природы. М., Комкнига, 2006.

14. Фофанов В.П. Социальная деятельность как система. Новосибирск, “Наука”, 1981.

Учинчи мавзу

Эстетиканинг асосий категориялари

1. Гўзаллик категорияси. Фалсафий-эстетик фикри тарихида гўзаллик масаласининг талқини.
2. Гўзаллик ва унинг намоён бўлиш шакллари.
3. Улуғворлик категорияси.
4. Фожиавийлик ва ҳажвийлик (кулгилилиқ) категориялари.

1. Гўзаллик категорияси. Фалсафий эстетик фикри тарихида гўзаллик масаласи талқини.

Мифология барҳам топиб фалсафий дунёқараш юзага келиши билан инсоннинг борлиққа эстетик муносабатда бўлиши уни ақлий-мушоҳадавий ўзлаштириш, яъни мезоний тушунчалар орқали билиб олиш, баҳолаш билан алмашади. Ва бундай тушунчаларнинг мазмуни борлиқ (олам) – нинг субстанциявий асосини аниқлаш билан боғлиқ масала тарзида талқин қилина бошланади. Шунга кўра эстетик муносабатнинг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирувчи марказий тушунча сифатида олиб қаралидган гўзаллик материалистик ва диний-идеалистик қарашлар нуқтаи назаридан туриб тавсифланади.

Гўзаллик, эстетика фанидаги асосий масалалардан биридир. Чунки ундаги деярли барча бошқа муаммолар ана шу мезоний тушунча мазмуни орқали таҳлил қилинади ва англашилади. Кишилиқ эстетик фикр тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур масала асосий баҳс мавзуларидан бири бўлиб келган ва унинг қандай ҳал этилишига қараб турли фалсафий-диний қарашлар, таълимотлар юзага келганлигини кўрамиз.

Масалан, Қуёшга сиғинган қадимги аجدодларимиз айни пайтда унга гўзаллик маъбудаси – тимсоли сифатида қараганлар ва шу асосда зардуштийлик илк натур фалсафий-диний таълимоти шаклланган. Мазкур таълимот умуминсоний, фалсафий-эстетик ғояларини ўзида

мужассамлаштирган бўлиб, у дунё халқларининг фан, маданият ривожига катта таъсир кўрсатади. “Айтиш мумкинки, - деб таъкидлайди Ислон Каримов зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳақида фикр юритар экан, - “Авесто”да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун, Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган”²⁵.

Ушбу таълимотнинг муқаддас китоби “Авесто”да гўзаллик ахлоқий ва эстетик тамойиллар бирлигида тавсифланади. Ахура Мазда томонидан нимаики эзглик йўлида яратилган бўлса, у гўзалдир, нимаики ёвуз бўлса – хунукдир. У бунёд этган табиат ҳодисалари, кишилар яшайдиган жойлар “ажойиб”, “муаззам”, “ёруғ-кўзни қамаштирадиган”дир. Инсон шу пайтда гўзалки, қачонки унинг эзгу сўзи эзгу амалига мос келса.

“Авесто” да Ахура Мазданинг ўзи ҳақиқат, эзгулик, гўзалликнинг тимсоли сифатида тасвирланади.

Зардуштийлик эстетикаси, хусусан, ундаги гўзаллик масаласини ҳозирги замон эстетика категориялари бўйича талқин қилиш мумкин эмас. Чунки зардуштларнинг эстетик муносабати уларнинг дунёни ҳаётий зарурият, фойдалиликни кўзлаб идрок этишларига асосланган эди²⁶. Зардуштийлик таълимоти моҳиятан табиат ва инсон гўзаллигининг фалсафасидир. Қадимги юнон натур файласуфларининг инсон (микро олам) ва табиат (макро олам) уйғунлиги ҳақидаги қарашлари ана шу фалсафий ғоя таъсирида юзага келади, деб айтиш мумкин. (Бу ҳақида қаранг: М. Оллоёров. Шарқ фалсафий фикр таракқиётининг хусусиятлари. Самарқанд, 1993). Улар ана шу уйғунликни гўзаллик деб ҳисоблайдилар.

²⁵ Каримов И.А. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални улуғлаган китоб. “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001 й, 9 ноябрь.

²⁶ Қаранг: Махмудова Г.Т. Философская сущность “Авесты”. Т., Издательство “Санъат”, 2010, с. 172.

Натурфалсафанинг илк намоёндалари – пифагорчилар (қадимги юнон файласуфи **Пифагор – э.о. 580-500 ва унинг издошлари**) тартибли миқдорий муносабатлар нарса, ҳодисаларнинг моҳияти ҳисобланади, деб тушунадилар. Бошқача қилиб айтганда, бутун олам сонларнинг доимий, уйғун қаторларидир. Улар ўзларининг ушбу умумий фикрларидан келиб чиққанлари ҳолда гўзалликнинг моҳиятини математик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Пифагорчилар тасаввурича, осмон жисмлари товуш чиқарганлари ҳолда ҳаракатланадиларки, унинг паст-баландлиги (тембри), ҳаракат тезлиги миқдорий муносабатига боғлиқ.

Натур файласуфларининг йирик намояндаларидан бири **Гераклит (э.о. 554-483)** фикрича, доимий ҳаракатдаги ибтидо унсур – субстанция – олов (Қуёш – изох бизники) оламнинг асосини ташкил этади. У “Табиат ҳақида” номли асарида гўзалликнинг моҳиятини ўзининг ана шу умумий фикридан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Унингча олов (Қуёш) мангу ҳаракат оқими бўлган ҳаётни юзага келтиради. Гўзаллик ана шу оқимнинг моҳиятидир.

Яна бир юнон натур файласуфи **Эмпедокл (э.о. 490-30 й)** уқдиришича, олам асосини тўртта ибтидо унсур ташкил этади. Булар: ҳар бири алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган олов, ҳаво, сув, тупроқдир. Уларнинг ўзаро бирикиши ва ажралишишини файласуф икки бир-бирига қарама-қарши тортилиш (муҳаббат) ва итарилиш (душманлик – қаҳр, ғазаб) кучларининг амал қилиши билан изохлайди. Мазкур кучларнинг бир-бирига нисбатан устун келиши бўйича амал қилиши коинот тараққиётининг даврий (цикллилик) лик тарзда кечишини белгилайди, деб ҳисоблайди файласуф. Қайд этилган унсурларнинг ўзаро бирлашиши – уйғунлашиши табиат, унинг бўлаги инсон гўзаллигини юзага келтиради.

Натурфалсафадан идеализмга бурилиш ясаган юнон файласуфи **Сукрот (Сократ – э.о. 469-399 й.)** нарса, ҳодисаларнинг гўзаллиги уларнинг

фақат фойдалилик жиҳати билан белгиланади, деб кўрсатади. У бу ҳақида шундай деб ёзади: “Агар чиройли безатилган қалқон жангчини душмандан ҳимоя қилмаса, гўзал эмас. Аксинча безатилмаган кўпол қалқон ўз вазифасини бажарса, у гўзалдир”.

У натурфайласуфлардан фарқли равишда эстетика масалалари, хусусан, эстетик категорияларини идеалистик нуқтаи назаридан бевосита инсон моҳияти билан боғлиқ тарзда талқин қилишни бошлаб берган юнон файласуфидир.

У биринчи бўлиб эстетика масалаларига алоҳида тадқиқот объекти сифатида ёндашади. Агар натурфайласуфлар эстетиканинг асосий масаласи – гўзалликни, асосан, коинотнинг субстанциявий жиҳати сифатида олиб қаралган бўлсалар, Сукрон уни инсон борлиғи, ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилади. Файласуфнинг мазкур қараши эстетик фикр тарихида бурилиш босқичини бошлаб беради ва эстетик масалалар кишиларнинг кундалик ҳаётий фаолиятлари билан боғлиқ тарзда тадқиқ қилина бошланади. Ва “гўзаллик нима?” деган саволга нисбатан “нима гўзал?” деган саволга жавоб излаш долзарблик касб эта бошлайди.

Сукрот мазкур саволга “ўз-ўзингни бил” деган қарашидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради ва бунинг учун кишига нима аҳамиятли – қимматли ва фойдали бўлса ўша нарса гўзалдир, деб ҳисоблайди.

Сукротнинг шогирди авлотун (Платон э.о.428-348 й.) гўзалликнинг моҳиятини мазмундан ташқаридаги мавҳумий шаклда кўради. Шунга кўра, у гўзалликни нарса, ҳодисалар хусусияти сифатида эмас, балки макон ва замондан ташқаридаги мутлақ мавҳумий (умумий) шакл – ғоя тарзида олиб қарайди. “Мен буни (шакл – ғояни-изоҳ бизники) у ёки бу нарсага нисбатан эмас, балки у ўз табиатига кўра ва мангу шундай бўлганлигига кўра гўзал деб атайман”²⁷, - деб ёзади “Катта Гиппий” номли асарида.

²⁷ Платон. Соч. в 3хт. 3 част 1., М., 1963. стр.66.

Афлотун биринчилардан бўлиб гўзаллик бу – фақат нарса, ҳодисаларнинг “соф” объектив хусусиятларини эмас, балки инсоннинг рухий борлиғи, дунёсини ифодаловчи тушунча эканлигини кўрсатиб беради.

Файласуфнинг мазкур масалага бўлган қарашларидаги қимматли жиҳати шундаки, у гўзаллик нарса, ҳодисаларнинг ташқи томони, шаклида эмас, балки моҳиятидан яширинган бўлади, уни идрок эта билиш талаб этилади, деган фикрни илгари суради.

Арасту (Аристотель – э.о.384-322) мазкур масалада ўз устози Афлотунча нисбатан муқобил қарашни илгари суради. Унингча, гўзалликнинг моҳияти нарса, ҳодисаларнинг табиий мутаносиблик, уйғунлик, ҳамоҳанглик ва бошқа шу каби хусусиятларни ифодалашлигида англашилади, деб тушунтиради.

Файласуфнинг мазкур масалага бўлган қарашларидаги қимматли жиҳат шундаки, гўзаллик нарса, ҳодисаларнинг шаклида зухурланса-да, уларнинг моҳиятида яширинган бўлади, деган фикрни илгари суради.

Платоннинг шогирди **Аристотел (Арасту) (эр.ав.384-322)** устозининг ғоялар тўғрисидаги объектив идеалистик таълимотига қарши чиқади ва ғоялар борлиқнинг субстанцияси бўла олмайди деб ҳисоблайди. Унингча, Платон талқинидаги ғоялар реал, ҳиссий оламдаги нарса, ҳодисаларнинг хусусиятларини тушунтира олмайди. Реал оламдаги нарса, ҳодисаларнинг хусусиятлари эса уларнинг мавжудлиги, доимий ҳаракатда эканлигидир.

Аристотел Платоннинг ғоялар ҳақидаги қарашларини танқид остига олиши баробарида, моддий нарса, ҳодисалар (материя) дан ажралган алоҳида субстанциявий шаклни эътироф этади. У “Жон тўғрисида” деган асарида шундай деб ёзади: “Субстанция деганда биз уч нарсани англаймиз: биринчидан, шаклни, иккинчидан, материяни ва ниҳоят, уларнинг ўзаро қўшилишини”²⁸.

²⁸ Аристотель. О душе. М., Соцэкгиз. 1937, с.41.

Бунда унинг эстетика масаласига бўлган дуалистик қараши намоён бўлади. Унингча, гўзаллик моҳияти шакл ва материянинг муштараклашувида англашилади. Яъни Аристотел нарса, ҳодисаларнинг муштараклашган шаклий – ўлчамлилик, мутаносиблик, уйғунлик, тартиблилик, симметриклик каби жиҳатларини гўзалликнинг атрубитив хусусиятларидир, деб ҳисоблайди.

Аристотел биринчилардан бўлиб фалсафий категорияларни таснифлайди ва уларни билишнинг босқичлари сифатида талқин қилади. У “Категориялар” номли асарида “моҳият”, “миқдор”, “сифат” каби фалсафий категориялар хусусида фикр юритади ва ўзининг эстетик қарашларини баён этишда уларга асосланади.

Қадимги юнон фалсафий-эстетик фикри ўрта асрларда Шарк мутафаккирлари томонидан ривожлантирилади.

Тарихдан маълумки, Хорун ар Рашид (780-809) ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида Боғдодда ташкил этилган “Байтул-ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) да фаолият кўрсатган олим, файласуфлар Зенон, Эпикур, Евклид, Платон, Аристотел каби қадимги юнон мутафаккирларининг асарларини араб тилига таржима қиладилар, уларга шарҳлар ёзадилар.

“Муаллимус – соний” (“иккинчи муаллим”) деб ном қозонган юртдошимиз Абу Наср Форобий (873-950) ҳам юқорида номлари зикр этилган юнон олимлари, файласуфларининг асарларини таржима қилади, уларни таҳлил қилиб шарҳлар ёзади. У бунинг баробарида ўзининг фалсафий, хусусан, эстетикага оид қарашларини илгари суради.

Форобий “Афлотун қонунлари моҳияти” (“Талхису навомиси Афлотун”) номли, Платон асарининг шарҳи бўлган асарида гўзалликни унинг муқобил кутби – хунуклик орқали таърифлайди. Бунда мазкур эстетик тушунчани инсонни юксак маънавий-ахлоқий камолотга эриштирувчи, мезоний тушунча сифатида олиб қарайди.

“Гўзаллик – бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, масалан, сахийлик ва жасурлик каби яхши, ижобий хислатлар – одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир. Хунуклик – беъманилик эса ёмон хислатларга ундайди”²⁹, деб ёзади Форобий ана шу асарида.

Файласуфнинг фикрича, энг олий гўзаллик бу илоҳиётдир. Инсоннинг асл вазифаси унга интилишдир. У Аллоҳга бўлган ишқ орқали бу вазифани ўтайди. Инсондаги ишқ олий ишқнинг намойишидир. Шундай ишқ туфайли одамлар бир-бири билан мослашади, улар ўртасида уйғунлик ҳосил бўлади³⁰.

Форобийнинг эстетикага оид, хусусан, гўзаллик масаласига доир қарашлари “Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Шеър санъати”, “Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида” каби асарларида баён этилади.

Форобийнинг эстетик қарашлари **Ибн Сино (980-1037)** томонидан янада ривожлантирилади. У гўзалликни субстанциявий асосини энг олий туйғу – ишқ – муҳаббат ташкил этади ва унинг инсоний хусусиятларнинг муқаррар атрибути деб ҳисоблайди.

Ибн Сино “Ишқ ҳақида рисола” (“Рсола – фи – л – ишқ”) асарининг бешинчи – “Назокат ва ёшликнинг эгаси бўлганларнинг гўзал қиёфалари ишқи” деб номланган бобида “Гўзал қиёфа фақат табиатдан инъом этилган яхши мазмундагина бўлади ва ёқимли қиёфа ва яхши инсоний хусусият камолот уйғунлигини яратади”,³¹ деб ёзади.

Мухтасар қилиб айтганда, Шарқ Уйғониш даврига асос солган Марказий Осиё мутафаккирлари илм-фаннинг барча соҳаларидаги тадқиқотларини илмий ва илоҳий билимларни уйғунлаштирган, уларни инсон моҳиятини англашга, уни камолотга эриштириш йўналтирган ҳолда

²⁹ Абу наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги нашриёти, 1993, 23-бет.

³⁰ Қаранг. Сулаймонова Фозила. Шарқ ва Ғарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 337-бет.

³¹ Ибн Сино. Трактат о любви. Тбилиси, 1976, с.59. Кўчирма Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” номли монографияси (Т. “Ўзбекистон”, 1997, 355-бет) бўйича келтирилди.

олиб борадилар. Ва бунда Гўзаллик Ҳақиқат, Эзгуликни олий қадриятлар тарзда уйғунлаштирадиган илоҳий-руҳий асос тарзида талқин қиладилар.

Даставвал Шарқда гўзалликнинг талқини, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби олимлардан олдин, сўфизм (тасаввуф) намояндалари томонидан умумий тарзда бошланган бўлса, кейинчалик мазкур масала фалсафий-эстетик, ахлоқий таълимот доирасидаги мавзуга айланади.

Сўфизмда гўзалликнинг бир-бирини тақозо этувчи учта босқичи ажратилади: 1) мутлақ, илоҳий гўзаллик; 2) моддий олам нарса, ҳодисалари гўзаллиги; 3) инсон фаолияти билан боғлиқ гўзаллик.

Мутлақ гўзаллик тимсоли Худо бўлиб, унинг моҳияти “вахдат алвужуд”, яъни пантеистик (юнон. pan – ҳамма, theos - Худо) фалсафий тамойил орқали англашилади. Ушбу тамойилга биноан, Худонинг “жамоли”, “хусни” – гўзаллик атрибутлари барча нарса, ҳодисаларда акс этади. Гўзалликни инсон ана шу илоҳий ишқ билан сева олсагина камолотга эриша олади. Бунинг учун киши ўз нафсини тия билмоғи, дилига олий Гўзалликни жо қила билмоғи керак.

Суфизм таълимотининг йирик намояндаси Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-111) шундай деб ёзади: “Билгилки, дил бу оламдин эмас, балки олами малакутдандир. Ва нафс, сезгилариким, бу олам илмини касб қилмоқ учун яратибдур, ночор дилга олами малакутий йўлини кўрмоққа парда ва ҳижоб бўлур.

Бу дунё иш ишларидан фориғ билмағунча малакут оламига йўл топилмас”³².

Сўфизм таълимотига кўра, инсон гўзаллигини унинг ташқи чиройи, гўзаллигида эмас, илоҳий ишқни ўзида жо қилган қалбида ва унинг измидаги ахлоқидадир.

³² Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Туркий 1. Тошкент, “Адолат”, 2005, 49-бет.

Бошқача қилиб айтганда, инсон гўзаллигининг меҳварини унинг ташқи чиройи билан қалбининг уйғунлиги ташкил этади.

Буни машҳур мутасаввуф, файласуф шоир Жалолиддин Румий куйидаги ҳикоятда (бу ерда унинг насрий баёни келтирилмоқда) образли тарзда ифодалайди.

Бир подшоҳ иккита қул сотиб олди. Қуллардан бири чиройли, покиза, тишлари дурдек, нафаси гулдек муаттар, иккинчиси эса бадбашара, тишлари чириган, оғзи бадбўй эди.

Подшоҳ гўзал юзли қулга эҳсонлар қилди, сўнгра ҳаммомга юборди. Тишлари чириган, бадбўй оғизли қулни ёнига чақирди.

-Сен менга маъқул бўлдинг, аммо негадир шеригинг сен ҳақингда жуда ёмон гаплар айтди, - дея ҳаммомга кетган шеригининг ёмон хислатлари ҳақида сўради. Бироқ қул ўртоғининг устига гард юқтирмади. Аксинча, уни мақтай кетди:

-У доим тўғрисиўз. Мен унингдек яхши одамни кўрмадим. Мендаги баъзи айб-нуқсонларни кўрган бўлиши мумкин, бироқ мен бундан беҳабарман. Ҳамма аввал ўз қусурларини кўрса, уларни тузатишга ҳаракат қилади. Масалан, мен ўз юзимни ва юзимдаги кирни кўролмайман, бировнинг юзини эса кўраман.

Бу гапларга қарамай, подшоҳ қулнинг ҳоли-жонига қўймади:

-У сенинг кўп айбларингни айтиб берди. Сен ҳам унинг камчиликларини айтингки, сенга бўлган ишончим ортсин!

Бироқ хунук юзли қул шериги ҳақида фақат яхши гаплар сўйлади. Подшоҳ қанчалар уринмасин, унинг оғзидан шериги ҳақида асло ёмон гап чиқмади.

Ниҳоят, иккинчи қул ҳаммомдан келди. Подшоҳ уни синаш учун ҳузурига чақирди, уни алқай кетди:

-Қушдай енгил бўл, нақадар зариф ва латиф бўлибсан. Кошки, нариги кул санаган ёмон феълларинг бўлмаса эди.

Бу гапларни эшитган қулнинг жаҳли чиқиб, ғазабланди ва шеригини ёмонлай бошлади.

Бироздан сўнг подшоҳ уни гапиришдан тўхтатди ва деди:

-Бас, етар, иккингиизнинг ҳам аслингизни билиб олдим – унинг оғзи бадбўй, сенинг эса ичинг сасиб кетган. Бундан буён сен у тўғри сўзли ва гўзал ахлоқли қулнинг амридасан. Қани, жўнаб қол энди.

Мавлоно воқеа сўнггида қуйидаги ҳикматли сўзларни тақдим этади: “Гўзал ва чиройли юз ёмон феъл билан бирга бўлса, қалб бир чақага ҳам арзимади. Кўзанинг шакли билан қачонгача чалғиб юрасан? Кўзанинг ташқи кўринишидан воз кеч, дарёга сувга томон юр.

Шаклни кўрдинг, аммо маънодан ғофилсан. Ақли расо бўлсанг, садафдан бир дур танлаб олиб чиқ” (“Маснавий”, 2-жилд, 843-1015-байтлар)³³.

Гўзаллик масаласи немис файласуфлари И.Кант ва Г.В.Гегеллар томонидан атрофлича таҳлил қилинади. **И.Кант (1724-1804)** гўзалликни ҳар қандай фойдали, манфаатдорликдан холи муносабатдир, деб таърифлайди.

И.Кант эстетикасида мақсадга мувофиқлик (қисм ва бутуннинг уйғунлиги) асосий категория ҳисобланади. Мазкур тушунчада файласуф ўзининг табиат тасодифий сабаб ва оқибат бирлигидаги ҳодисаларнинг механик ҳолатдаги кўлами эмас, балки трансцендент (лот.transendere – чегарадан чиқмоқ), яъни онг ва билиш чегараларидан ташқаридаги ақлга эга бўлган жонли организм бўлиб, у ана шу ақл ёрдамида ўзининг мақсадли ўзгариш, ҳаракатини ўрнатади, деган қарашини ифодалайди.

Инсон бундай мақсадга мувофиқликни априор (лот.aprior - азалдан) онги-субъектив мақсадга мувофиқлик орқали билиб олади. У ўзининг

³³ Жалолиддин Румий маънавий ҳикояларидан дарслар. 40 ҳикояга 40 шарҳ. Т., “Мухаррир” нашриёти, 2008, 68-69-бетлар.

мақсадга мувофиқлик таълимоти бўйича моддийлик ва маънавийликнинг алоқаси, уйғунлигини мослаштиришга ҳаракат қилади.

Кант гўзалликни ўзининг ана шу мақсадга қаратилган трансцендентал идеализми тамойилидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади. Бунга биноан, гўзаллик бу – манфаатдорликдан холи ҳолда тасавур қилинадиган мақсадга мувофиқликнинг субъектив шаклидир.

И.Кантнинг эстетик қарашлари “Муҳокама қобилиятининг танқиди”, “Соф ақлнинг танқиди” номли асарларида баён этилади.

Гегель (1770-1831) “Эстетика ҳақида маърузалар” номли асарида гўзаллик хусусида батафсил фикр юритади ва уни мутлақ руҳнинг ҳиссий ифодаланиш шаклидир, деб таърифлайди. Гўзалликни бундай шаклда ифодалашнинг воситаси санъат, деб ҳисоблайди файласуф. Унингча, мутлақ руҳни англаш ҳақиқатни билишдирки, унинг моҳиятини ҳиссий шаклда очиб бериш санъатнинг сўнгги мақсади ҳисобланади³⁴.

Эстетик фикр тарихида гўзаллик масаласига бўлган турлича қарашлар унинг моҳиятини аниқлашда нисбий билим – ҳақиқатлар мажмуи бўлиб хизмат қилади.

Гўзаллик ва унинг намоён бўлиш шакллари.

Ушбу масалани таҳлил қилишда гўзаллик категориясининг ҳозирги эстетикадаги талқини фалсафий-эстетик фикр тарихидаги, юқорида кўриб ўтилган, унга бўлган турлича қарашларнинг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган жиҳатларга асосланишлигига эътибор бериш зарур. Ана шундай жиҳатлардан бири – бу уйғунлик тамойилидир. Юқорида кўриб ўтганимиз, эстетик фикр тарихидаги барча қарашлар, талқинларни умулаштириб гўзалликка қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Гўзаллик – бу марказий мезоний тушунча (категория) бўлиб, унда борликдаги нарса ҳодисаларнинг шакл ва мазмун уйғунлиги, мукамаллиги

³⁴ Қаранг: Гегель Г.В. Эстетика. В 4-х томах, том 1, М., “Искусство”, 1968, с.61.

ва инсоннинг уларга бўлган маънавий-руҳий лаззатланиши билан шартланган муносабати ифодаланади.

Объектнинг хусусияти, жиҳатлари киши томонидан эстетик субъект сифатида қайд этилган бирликлар ўлчовида идрок этилган пайтда унда маънавий лаззатланиш ҳис-туйғуларини (руҳий ғизоланиш-покланиш, завқланиш, шодлик) уйғотади. Гўзалликининг моҳияти борлиқнинг барча соҳаларида (табиат, жамият, инсон, санъат) турли шакл, хусусиятларда намоён бўлади.

Табиатдаги гўзаллик ҳар бир турнинг узоқ эволюцион тадрижий тараққиёти натижаси ўларок, шаклланган ўзаро уйғунлик, мақсадга мувофиқлик каби хусусиятлари билан белгиланадиган мукамаллигида намоён бўлади.

Бизни қуршаб турган жонли ва жонсиз табиат, табиий муҳитнинг ўзини шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, улар учун умумий мукамаллик қонунияти ҳосдир. Табиат барча тирик ва нотирок турларнинг ўзаро уйғун, мутаносиблигидан ташкил топган мутлақ мукамаллигидир. Ва бунда уларнинг (турларнинг) ҳеч бири ортиқча эмас, яъни бири иккинчисиз яшай олмайди. Мазкур қонуниятни англаб етмаслик XX аср охирида мавжуд цивилизацияга хавф солувчи умумбашарий экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўтган асрнинг бошида бир рус файласуф ёзувчиси ўзининг ва ўзга юртларга хавф солаётган маънавий қашшоқликдан ташвишланиб: “Дунёни гўзаллик қутқаради” деб башорат қилган эди. Ўша ёзувчининг ҳикматли иборасини қўллаган ҳолда “Бугунги кунда умумбашарий экологик хавфдан гўзаллик қутқаради” деб айтиш мумкин.

Жамият гўзаллиги унинг тараққиёти йўналиши, иқтисодий ва маънавий соҳаларининг ўзаро уйғунликда ривожланишида намоён бўлади. Тараққиётнинг йўналиши, ҳар бир шахс, фуқаронинг камолотига қаратилган

жамиятнигина мукаммаллик даражасига кўтарила олади. Жамият, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик ана шундай мукаммалликни ифодалайдики, бу унинг маънавий ҳаёти, маънавияти ривож даражаси билан белгиланади. Бу ўринда файласуф, эстетик олим Т.Маҳмудовнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозосига биноан унинг томонлари намоён бўладиган табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб оламидир”³⁵.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилаётган ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти мақсад ва моҳиятига кўра ана шундай мукаммал ижтимоий тузум типи ҳисобланади.

Шахс (инсон) гўзаллиги кенг маънода унинг маънавий-руҳий дунёсининг фаолияти, хатти-ҳаракатларида намоён бўлишлиги билан белгиланади. Шунга кўра конкрет шахс гўзаллиги унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хулқ-атвори, ахлоқи ва кундалик амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ жиҳат ҳисобланади. Лекин айти пайтда мазкур жиҳат куйидаги мезоний ўлчовларига эга.

1) Объектга эстетик субъект сифатида муносабатда бўлиши. Бошқача қилиб айтганда, нарса, ҳодисаларга эстетик объект сифатида муносабатда бўлиш, уларнинг эстетик қимматини баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши. Масалан, у ёки бу сиёсат мафкурасини эстетик идеаллар мезонида туриб баҳолай олмайдиган шахснинг ижтимоий фаоллиги манқуртлик даражасида бўлади. Бугунги кунда терроризм ва бошқа турли сиёсий оқимларнинг таъсирига тушиб қолган баъзи ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ана шундай манқуртлик – сиёсий кўрликдир.

³⁵ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т. 2001 й., 18-бет.

2) Санъат асарларини идрок эта билиш, эстетик қадриятлар сифатида баҳолай билиш ва улардан маънавий ғизоланиш (озикланиш), лаззатлана билиш малакасига эга бўлиши.

3) Инсон ички маънавий-руҳий дунёсининг унинг ташқи дунёси (хатти-ҳаракати, ҳусни, чиройи) билан уйғунлиги ва бунда биринчисининг белгиловчи мавқеига эга эканлиги. Масалан, кишининг ҳусни, чиройи қанчалик жозибали бўлмасин, агар ички дунёси маънавиятдан озикланмаган бўлса, у гўзаллик фазилатидан маҳрумдир.

Бу ўринда таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг “Гўзалликнинг япроғи ахлоқ, илдизи – ички дунё, меваси – инсоний фазилатдир”, деган ҳикматли гапи ёдга келади.

Инсон гўзаллигининг қайд этилган мезоний ўлчовларини ҳисобга оmlасдан туриб бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланмиш комил инсонни шакллантириш масаласини ҳал қилиш мумкин эмас.

Санъатда воқелик шакл ва мазмун уйғунлигида, бадиий образларда акс эттирилади. Шунга кўра ҳар қандай юксак даражада яратилган санъат асарлари гўзалликнинг конкрет шаклдаги ифодасидир. Бунда эстетик идеал бадиий асар яратишнинг ўлчови – гўзалликни тасвирлашнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда Чўлпон ва Абдулла Ориповларнинг “Гўзаллик” деб номланган шеърларини олиб қарайлик. Уларда ўқувчи инсон гўзаллигининг ўзи учун нотаниш жиҳатларини инкишоф этиш билан бирга поэтик сўзлар жилосидан – гўзаллигидан эстетик завқ олади.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадур: мен уни тушда кўрамен
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: бир қизил ёнокқа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа,
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
(Чўлпон).

Кузнинг рутубатли оқшами эди,
Боғлар секингина чекар эди оҳ.
Рухимда бир хазон айёми эди,
Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ
Бир зум гўзалликнинг ҳузурида жим,
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд
О, доно табиат, о, буюк ҳаким,
Ҳикмат кўрмадим ҳеч сенга монанд.
Ўзинг юракларга чўктириб қадар,
Халос ҳам қилурсан раҳм этган дамда,
Шундай гўзалларни яратмасанг гар,
Қолиб кетармидик доимо ғамда.
(А.Орипов).

Гўзалликнинг моҳияти унинг қарама-қарши қутби – хунуклик билан бўлган нисбатида англашилади.

Хунуклик эстетик категория бўлиб, у табиатда, жамиятда, инсонда ва санъатдаги ўзига хос жиҳат, жараёнларни ифодалайди.

Кишиларнинг гўзаллик ҳақидаги дастлабки тасаввур, қарашлари нарса, ҳодисалардаги хунуклик жиҳатларига бўлган муносабатлари жараёнида шаклланиб, такоммиллашиб борган. Аслида табиатда хунук нарса, ҳодисанинг ўзи йўқ, улар мукамал, мақсадга мувофиқ тарзда яратилган.

Табиатдаги хунуклик муайян предметлар жинси турларининг ўзаро нисбатида намоён бўладиган хусусият, жиҳатларидирки, улар кишида ёқимсизлик, ҳазарланиш, сесканиш, қўрқув каби ҳис-туйғуларни уйғотади. Масалан, ҳеч бир қуш тури, айтайлик, бойўғли номукаммал (хунук) эмас, лекин унинг хунуклиги булбул ёки бошқа сайроқи қуш турлари билан бўлган нисбатида намоён бўлади. Бойўғли булбулга ўхшаб боғларда, субҳи содиқ-тонгда эмас, харобаларда, бемаврид палла-ярим тунда сайрайди. Шу боис унинг овози кишида қўрқув, сесканиш аралаш нохуш ҳис-туйғуларни уйғотади.

Инсондаги хунуклик Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик умуминсоний олий қадриятлар мезонидан туриб баҳоланилади. Кишилар биологик тур-мавжудот сифатида бир-биридан табиий-ирқий жиҳатдан, яъни юз тузилишлари, танасининг ранглари билан фарқланади. Ва уларни ана шу жиҳатдан чиройли ёки хунук деб баҳолашнинг умумий мезони йўқ. Шунинг учун қора танлини оқ танлига ёки сариқ танлига нисбатан хунук деб баҳолаб бўлмайди.

Инсондаги хунуклик унинг умуминсоний мезоний қадриятларга хилоф бўлган ахлоқсизлик, риёкорлик, ёлғончилик, ёвузлик каби хатти-ҳаракатлари билан баҳоланилади.

Киши жисмонан заиф, ногирон бўлса-да, лекин у ҳақиқатпарвар, ахлоқан пок, гўзалликдан завқланиш хислатларига эга бўлиши мумкин.

Инсон гўзаллигини унинг муқобили – хунуклик категорияси орқали талқин қилиш, айниқса, глобаллашув жараёни салбий оқибатлари таъсирининг кучайиб бораётган ҳозирги даврда кишиларимизда, хусусан, ёшларимизда эстетик иммунитетни шакллантириш, кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Ва бунда “Дунёни гўзаллик қутқаради”, деган машҳур иборага қўшимча қилиб “Дунёни хунуклик ҳалокатга олиб боради!”, деган огоҳлантирувчи шиорни ҳаракат дастури қилиб олмоқ лозим.

Санъатдаги хунукликнинг ифодаланиши гўзалликни тасдиқлаш, қарор топтиришнинг ўзига хос усулидир. Шунга кўра санъатдаги гўзаллик ва хунукликнинг ўзаро мунсоабати парадоксал (юнон.-paradoxos – ғалати) характерга эга бўлиб, ушбу масалага биринчи бўлиб Аристотель эътиборини қаратган эди. Мазкур парадоксалликнинг моҳияти шундаки, хунук нарса ва ходиса санъат асарида гўзаллик тарзида тавсирланади.

Ва бунда санъат асарида тасвирланаётган хунукликни идрок этиш жараёни унга (хунукликка) нисбатан бўлган нафрат, ғазаб ҳис-туйғуси эстетик лаззатланиш, руҳий покланиш (катарсис) билан биргаликда кечади. Мазкур жараён орқали асарнинг эстетик ғоясида тажассум топган гўзаллик теран англашилади, олий қадрият тарзида ўзлаштирилади.

Санъатнинг бадиий адабиёт турида хунуклик салбий образлар тизимида ифодаланади ва улар ушбу жараённинг қайд этилган йўналишда кечиши учун хизмат қилади.

Бунга мисол қилиб Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Зайнаб образини келтириш мумкин. Ўқувчи, бир томондан, унинг Кумушбибини заҳараганидан ғазабланса, нафратланса, айти пайтда унга нисбатан қандайдир ички ачиниш ҳиссини туяди.

Шунингдек, у (ўқувчи) романинг эстетик ғояси тугунини ташкил этувчи Отабек ва Кумуш маҳаббати фожиасини Зайнаб образининг моҳирона тасвири орқали чуқур англаб етади. Ва бу шунчалик бир соф мушоҳада (рационал) этиш бўлмасдан, кучли эстетик ҳис-туйғу билан йўғрилган англаб етиш ҳисобланади.

Бу ўринда асар кульминацияси нуқтаси ҳисобланиш, Зайнаб образи тасвири билан боғлиқ тасвирдан парча келтирамиз “...Табиби кирди. Отабек телбаларча югуриб Кумушнинг бошига келди, юзини очиб манглайини босди ва ўпди... Кумуш кўзини очиб куч билан сўл қўлини эрининг елкасига ташлади... Қўлида чақалоқ билан Ўзбек ойим кирди.

-Зайнабни чақир, Зайнабни!

Ўзбек ойим табиб сўзидан хабардор эди:

-Зайнаб, Зайнаб!

Зайнаб югуриб уйга кирди. Туси мурдадек оқарган эди. Отабек Кумушни қўйиб ердаги аталани олди:

-Ич муни, ич, жалаб!

Зайнаб орқага тисланди...

Отабек косани унга отди...³⁶

Улуғворлик категорияси. **Улуғворлик** – эстетик (нафосат)ликнинг, хусусан, гўзалликнинг ўзига хос жиҳатларда намоён бўлишидир. Фалсафий фикр тарихида кўпгина файласуфлар ана шу ўзига хосликни аниқлашга уринадилар. Улуғворлик ҳақидаги дастлабки назарий фикрлар муаллифи Псевдо-Лонгин деб тахмин қилинадиган, сўнгги антиқ даврда яратилган (эрамиздан авв. I асрнинг 40 йилларида) “Улуғворлик тўғрисида” номли трактатда баён этилади. Маълумки, бу давр қадимги юнон тамаддунининг беқиёс юксаклигига путур етиб, индивидуализм, пасткашлик, тубанлик каби иллатлар ижтимоий ҳаётда кенг илдиз отабошлаганлиги билан характерланади.

Мазкур трактат ана шу маънавий инқирознинг таъсири натижаси ўлароқ ёзилган бўлиб, уни (инқирозни) мазкур трактатнинг леймотивини кишиларда улуғворликни англаш, ўз ҳаётларида уни қарор топтириш ана шу инқирозни бартараф этишда белгиловчи роль ўйнайди, деган ғоя ташкил этади. Псевдо-Лонгиннинг фикрича, улуғворлик гўзалликнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Гўзалликнинг моҳиятини уйғунлик ташкил этади. Буни сўз санъатида яққол кўриш мумкин. Чунки ундаги гўзаллик сўз ва фикр уйғунлигининг натижасидир, бундай уйғунлик эса ўзининг энг юксак ифодаланишда улуғворликка айланади.

³⁶ Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Т., “Шарқ”, 2009, 385-бет

Инглиз файласуфи Э. Бёрк (1729-97) “Улуғворлик ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотлар” номли асарида улуғворликни кишининг ҳайрат, кўрқинч ҳис-туйғусини ифодаловчи категория сифатида талқин қилади.

И.Кант улуғворлик инсон руҳида туғиладиган, уни жунбушга келтирадиган ҳис-туйғу деб тушунтиради. “Улуғворлик, - деб таъкидлайди у, - ҳеч қандай табиат ҳодисларини акс эттирмайди, у фақат руҳимизда туғён уради”³⁷. Унингча, гўзаллик ҳамма вақт жозибали бўлиб, кишини завқлантирса, лаззатлантирса, улуғворлик ҳайратланиш, кўрқув ҳис-туйғуларини уйғотади.

Немис классик файласуфининг яна бир йирик намояндаси Гегель улуғворликни мутлақ руҳ тараққиёт этапининг эстетик характеристикаси билан боғлиқ ҳолда талқин қилади. Мутлақ руҳ санъат билан ўзаро муаян мувофиқликда ривожланади. Санъат тараққиётининг классик этапида улуғворлик гўзаллик билан синтезлашган ҳолда намоён бўлса, романтик босқичида эса эътибор улуғворликка, тарихий шахслар, қаҳрамонлар характери яратишга қаратилади.

Қаҳрамон характерининг ушбу Гегелча концепцияси унинг эстетик таълимотининг ғоят муҳим қисмини ташкил этадики, бу кейинги давр эстетик фикри тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Улуғворлик, Брёк, Кантлар таъкидлаганидек, фақат “соф” тарздаги кўрқув, ҳайратланиш ҳиссиётини уйғотиб қолмасдан, кишида юксак ўлчовлардаги даражадаги эстетик завқ, лаззатланиш туйғуларни ҳосил қилади. Шунга кўра, у гўзаллик мезоний тушунчаси мазмунининг ўзига хос шаклда ифодаланишидир.

Айни пайтда улуғворлик гўзалликдан шакл ва мазмун, миқдор ва сифат уйғунлиги муносабати билан фарқ қилади. Агар гўзалликда шакл ва мазмун ўзаро мувофиқ уйғун ҳолатида бўлса, улуғворликда ашкл мазмунга

³⁷ Кант И. Наблюдения над чувством прекрасного и возвышенного. Соч. в 6 т-х, т.5. М., 1990, с.772.

нисбатан ҳаддан ортиқ даражадаги миқёс, ўлчовга эга бўлади. Шунга кўра, улуғворликни эстетик идрок этишда кишида ҳайратланиш, лол қолиш ҳис-туйғуси етакчи мавқега эга бўлади. Шундай қилиб, улуғворлик бу нарсa, ҳодисаларнинг юксак даража, мезонда баҳоланувчи эстетик қимматини ифодаловчи категориядир. Шахс эстетик субъект даражасидагина объектнинг бундай қимматини идрок эта олади.

Улуғворлик борлиқнинг барча соҳаларида – табиатда, жамият ҳаёти, шахсда санъатда ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади. Табиатда улкан, муаззамлиги, кўлами, миқёсийлиги билан ажралиб турадиган нарсa, ҳодисалар улуғворликдир. Шу боис пурвиқор тоғлар, улкан дарёлар, бепоён уммон, океанлар ўзларининг оддий фазовий миқёс-меъёри билан ўлчанмайди ва улар кишиларда ҳайратланиш, кўркув аралаш эстетик завқланиш ҳис-туйғусини уйғотади.

Бундай ҳис-туйғулар қир-адир, кичик дарёга, кўлларга нисбатан пайдо бўлмайди. Чунки улар фазовий миқёси жиҳатидан чегараланган, шаклан киши тасаввури қамровига мос келади. “Иккинчи табиат”, яъни инсон қўли билан яратилган тарихнинг турли даврлари, турли мамлакатларда муаззам, ҳашаматли мажмуа, иншоат, бинолар транспорт йўллари ва бошқа қурилишлар улуғвордирлар. Масалан, Миср эҳромлари дунё аҳлини то ҳозиргача лол қолдириб, ҳайратга солиб келаётган “иккинчи табиат” мўъжизаларидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёд этилган кўплаб мажмуалар, қошона бинолар, автомагистрал ва темир йўллар инсон қўлининг мўъжизакор кучини намоёиш этувчи улуғвор қурилишлардир.

Жамият ҳаётидаги улуғворлик ижтимоий тараққиётнинг буюк мақсадларида ҳамда уларни рўёбга чиқарувчи халқ оммаси, тарихий шахсларнинг фаолиятлари, қаҳрамонликларида намоён бўлади.

Инсоният тамаддуни равнақи, ўз юрти, ватани озодлиги учун фидойилик кўрсатган файласуфлар, олимлар, давлат арбоблари том маънода энг буюк, улуғвор тарихий шахслар ҳисобланади.

И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобида Суқрот, Платон, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Жардано Бруно, Галилео Галилей каби алломаларнинг илм-фан, Нажмиддин Қубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби эл фарзандларининг Ватан озодлиги, равнақи йўлидаги фидойиликларини энг буюк жасорат – маънавий жасорат деб таърифлайди³⁸.

Шунингдек, Президентииз захматкаш ва бунёдкор халқимизнинг кунни кунга, тунни тунга улаб қиладиган меҳнатини ҳам маънавий жасорат намунаси – қаҳрамонлик деб баҳолайди: “Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлар эдим”³⁹. Шундай қилиб айтиш мумкинки, жамият, шахс ҳаётида улуғворлик **маънавий жасорат** – қаҳрамонлик сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда жамиятимизда кечаётган жараёнларнинг моҳияти, унинг тараққиёти олий мақсадининг эстетик қимматини англамасдан, тасаввур этмасдан туриб уни улуғворлик мезони бўйича баҳолаб бўлмайди. Масалан, шундай жараёнлардан бири маънавиятнинг моҳиятини, шаклланишини теран англаб олиш учун унинг улуғворлик жиҳатини ҳис эта билмоқ керак. И.А.Каримов маънавиятнинг ғоят кенг қамровли, кўламли (улуғвор) эканлиги, уни оддий ўлчовларга сиғмаслиги ҳақида шундай дейди: “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни **ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди.** (Таъкид бизники – М.О.). У инсон учун бир олам...Ер, оила, ота-она, болалар,

³⁸ Қаранг: Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.

³⁹ Ўша жойда, 160-165-бетлар.

қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”⁴⁰.

Улуғворликнинг объектив манбаи қудратли кучга эга бўлган табиат ходисалари, инсоннинг юксак ғояларга фидойилиги, ижтимоий тараққиётдаги туб сифат ўзгаришлари бўлса, субъектив жиҳати – уларнинг юксак эстетик идеаллар асосида баҳоланишидир. Мазкур жиҳат санъат соҳасида ўз аксини тўла намоён этади. Шунинг учун агар чексиз, сарҳадсиз океан, осмонўпар тоғлар, вулқонлар кишида “соф” ҳолдаги қўрқув, ҳайратланиш ҳиссиётини уйғотса, санъат асарларида тасвирланган улуғвор нарсалар, ходисалар уни завқлантиради, руҳан лаззатлантиради. Масалан, Чўлпоннинг “Халқ” шеърини ўқир эканмиз, халқнинг қудратли куч эканлигини конкрет-образли тарзда идрок этиш, англаб олиш билан бирга унинг улуғворлигини қалбдан ҳис этамиз ва завқланамиз.

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғалса куч йўқдирким, тўхтатсин,

Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин...

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,

Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди⁴¹.

Улуғворликнинг жамият ва инсон ҳаётида намоён бўлишининг қарама-қарши кутби тубанлик ва пасткашлиқдир. Бугунги кунда тараққийпавар, демократик кучлар фаолиятининг улуғворлигини уларнинг мухолифи бўлган терроризмнинг тубанлигини чуқур тушуниб етмасдан туриб идрок этиш мумкин эмас. Тубанлик тушунчасида муаян гуруҳ, алоҳида шахснинг ижтимоий-эстетик идеалларга зид ҳатти-ҳаракатлари акс этади. Масалан, ҳозирги глобаллашув даврида маънавий-мафкуравий таҳдидлар

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 78-бет.

⁴¹ Чўлпон. Яна олдим созимни. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёти. 1991, 408-бет.

ҳисобланувчи миссионерлик, прозелитизм, диний экстремизм, терроризм каби тўдалари ва уларнинг йўлбошчиси, раҳнамоларининг бугунги кунда ҳатти-ҳаракатлари тубанлик мезони билан баҳоланади.

Кундалик ҳаётда кишилар орасида учрайдиган оқпадарлик, нонкўрлик, сотқинлик, гиёҳвандлик ва бошқа ҳатти-ҳаракатлар ана шу ўлчовда баҳоланилганда кишида нафратланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Ғожиавийлик категорияси.

Мазкур категория (мезоний тушунча)ни гўзаллик ва улуғворлик категориялари мазмуни муқоясиси орқали таҳлил қилиш керак.

Ўқитувчи буни маъруза ва семинар дарсларда албатта инобатга олмоғи ва буни конкрет мисоллар орқали таҳлил қилмоғи керак. Ушбу фан мажмуаси ҳам ана шу асосда тайёрланиши лозим.

Инсон доимо ўзини қуршаб турган борлик, табиатга бўлган муносабатини, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини ўлим ва бойлик, абадият масаласи билан боғлиқликда олиб қараш билан англашга ҳаракат қилиб келганлар. Бунда улар ушбу масалани “Ўлим нима, ундан кейин ҳам киши бошқа дунёда яшайдими?”, “Ўлим инсоннинг олий қадрият сифатидаги моҳиятини белгиловчи имманент хусусиятми? Агар шундай бўлса, нима учун?” деган саволларга жавоб топишга уринганлар. Ва мазкур саволлар барча фалсафий-диний таълимотларнинг негизини ташкил этувчи масала бўлиб келган. Дунёвий динларнинг юзага келиши, фалсафий дунёқарашнинг такомиллашиб бориши натижаси ўлароқ, ўлим ўзига хос ахлоқий, эстетик қадрият характер касб этиб боради.

Ўлим инсоннинг биологик мавжудот сифатида ҳаётининг тугаши, жон беришидир. Шу боис ўлим кўрқинчи бошқа ҳар қандай кўрқувлардан юқори туради. Нарги дунёдаги ҳаётга ишониш кишини маълум даражада бундай кўрқинчдан холос этади. Бунда ўлим кўрқинчининг ўрнини кишининг ўз ҳаётида содир этган гуноҳлари учун нарги дунёда бериладиган жазо

қўрқинчи эгаллайдики, бу ўлимнинг ахлоқий қадрият касб этишда муҳим роль ўйнайди.

Ўлимнинг кескин ижтимоий зиддиятлар тўқнашувида юз беришини англаш ва уни Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик умуминсоний олий қадриятлар мезонидан туриб баҳолаш даражасида ҳаётнинг якуни – ўлим ўзига хос эстетик қадрият характериға эға бўлади. Ва бунда ўлим кишида қўрқинч, жисмонан азобланиш ҳис-туйғусини эмас, балки руҳий кўтаринкилик, улуғворлик ҳис-туйғусини уйғотади. Фожиавийлик категорияси ўлимни ана шу жиҳати – ахлоқий-эстетик қадриятлик ҳарактерини ифодалайди.

Фожиавийлик мезоний тушунчасида асосан жамият ва шахс ҳаётидаги ўта мураккаб зиддиятлар ифодаланади. Мазкур зиддиятлар ижобий (тараққийпарвар) ва салбий (реакцион) ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш тарзида кечади. Унинг эстетик аҳамияти, моҳияти фалсафий категориялар – зарурият ва эркинлик мазмуни орқали англашилади. Бундай курашлар кўпинча тараққийпарвар кучларнинг ҳалокати, ўлими билан якунланади. Лекин уларнинг қисмати мангуликка дахлдор бўлади. Чунки бу ўлим (ҳалокат) юксак мақсад, илғор ғоялар учун кураш йўлидаги фидойилик бўлиб, абадиятлик номи билан аталади. Масалан, бугунги кунда истиқлол учун курашган А.Қодирий, Чўлпон, Бехбудийларнинг ҳалокатларини фожиавийликнинг ана шу мезоний ўлчовлари билан баҳолаймиз.

Киши фожиавийликнинг эстетик аҳамиятини идрок этмасдан туриб ҳаёт, умр, яшашнинг мақсадини чуқур англаб етаолмайди.

Фожиавийликни бадий образларда мужассамлаштирувчи санъат ана шу жиҳатдан муҳим роль ўйнайди. Санъатдаги фожиавийлик асосан қахрамонлик, яъни юксак ижтимоий-эстетик идеалларни қарор топтириш йўлидаги муросасиз, кескин зиддиятли курашларни ўзида мужассамлаштирувчи образларнинг хатти-ҳаракатлари орқали тасвирланади. Фожиавийлик санъатининг **трагедия** жанрида ифодаланади. Мазкур жанрда

– фожиавийлик ижтимоий зиддиятлар конкрет шахс (характер) ва турли хил ҳолатлар, кучлар ўртасидаги кескин тўқнашув, курашлар тасвирида берилади. Бунда конкрет шахс образининг фожиаси ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш йўлидаги қаҳрамонлик, ҳалокат сифатида тасвирланади.

Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” пьесалари трагедия жанридаги асарлардир. Биринчи пьесада Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, характери унинг мўғул босқинчиларига қарши туриб курашишдан кўра уларга таслим бўлишни афзал билган отаси, хоразмшоҳ бошлиқ кучлар ўртасидаги кескин тўқнашув, зиддиятлари тасвири орқали очиб берилади.

Жалолиддин Ватан олдидаги асл фарзандлик бурчини ўз отаси олдидаги бурчидан юқори қўяди. Мана, унинг бу борадаги ички рухий изтиробларини ифодаловчи мисралар:

Одамлар ўйларки, бўлмаса тожим.

Қаландар бўлурман, қолмас иложим.

Бечора отамчи, фаҳми шунча кўр?

Билмаски шу билан тахтга қазир гўр...

Отами азиздир ёки салтанат?

Кўп оғир масала...куфрдир албат –

Отага қарши кўтармоқ исён.

Эл узра булутлар келса ҳаводан

Майдонга кирмайми қўрқиб балодан?

Бу гал ўхшамайди отага ўғил,

Мулк аҳли мўғулга сира бўлмас қул.

Туғилдим қиличу қалқонга хуштор,

Бўлай ғаним узра мисоли – аждар...⁴².

Инглиз драматурги В.Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясидаги Ҳамлет фожиаси бу шунчалик таҳқирланган кишининг ўз отаси учун қасос олиш ҳикояси эмас, балки унинг мавжуд маънавий тубанлашишга юз тутган муҳитни ўзгартириш йўлида ўзини фидо қилиш, ҳалокат тасвиридир.

Арасту трагедия жанрининг хусусияти – бу қўрқинч ва ҳамдардлик уйғотувчи воқеаларни тасвирлаш орқали кишини руҳий поклантириш (катарсис)лигидир, деб ҳисоблайди⁴³.

Кулгулилик (ҳажвийлик) мезоний тушунчасининг мазмуни фожиавийлик тушунчасининг моҳияти орқали англашилади. Чунки мазкур тушунчада ижтимоий аҳамиятга молик зиддиятларга эстетик идеал нуқтаи назаридан бўлган танқидий муносабат ифодаланади. Лекин кулгилиликда, фожиавийликдан фарқли равишда кескин, келишиш йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар эмас, балки ижтимоий ихтилоф, тўқнашувларсиз, танқид, рад этиш, фош қилиш йўли билан бартараф қилинадиган зиддиятлар ифодаланади.

Кулгилилик инсоннинг воқеа, ҳодисаларга бўлган мураккаб руҳий, психофизиологик ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлган ўзига хос муносабатдир. Шунга кўра кулгилилик объектив ва субъектив жиҳатларнинг ўзаро уйғунлигидаги ижтимоий қимматга эга бўлган эстетик қадрият ҳисобланади. Фақат инсонгина куладиган мавжудотирки, у кулгуликни эстетик қадрият сифатида идрок этади, баҳолайди. Ва шу асосда кулгилиликни ифодаловчи санъат турлари юзага келади.

Эстетик фикр тарихида кулгулилик асосан гўзаллик ва хунуклик (Арасту), улуғворлик ва тубанлик (Кант), сохта беъманилик ва ҳақиқат (Гегель) ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг натижаси сифатида

⁴² Кўчирма Б.Имомовнинг. Трагедия ва характер: Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. монографиясидан келтирилди. 72-бет.

⁴³ Қаранг: Аристотель. Поэтика, Т., 1980. 23-24-бетлар.

таърифланилади. Маълумки, кулги психофизиологик ҳодиса бўлиб, турлича тур, хилларда бўлади (ҳажвий, иронияли, масхараомуз ва бошқа).

Баъзи кишилар кулги таъсиридан қаттиқ ҳаяжонга тушади, рухий зарбага учрайдилар. Масалан, манбаларда қайд қилинишича, Бобил ва Юнонистонни вайрон этган Эрон шоҳи (э.о.?-465 вафот этган) Крекс кулгидан ўлган. Француз драматурги Пьер Огюстен (1732-99) ўзини жаҳонга танитган “Севиля сартароши” номли комедиясини отасига ўқиб бераркан, кейингиси ичак узди кулгидан жон беради. Қадимги юнон драматурги Софокл (э.о.496-406) ҳам томошабин олқишлари остида кулгидан вафот этган.

Кулгулиликнинг эстетик аҳамияти, моҳияти шундаки, унда жамият ҳаётидаги ҳодисаларга, шахс ҳатти-ҳаракатига эстетик идеал мезонидан туриб баҳо берилади. Кулгулилик доимо кишида психофизиологик ҳолатни келтириб чиқаравермайди. У қарама-қарши қутбдаги томонларни оқловчи ёки қораловчи кулгидир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур кулги жамият ва шахс ҳаётидаги зиддиятли ҳодиса, жиҳатларга ижтимоий-эстетик идеал мезони бўйича бериладиган баҳодир. Шунга кўра у моҳиятан ижтимоий аҳамиятга молик кулги бўлиб, у айна пайтда кишида қайғуриш, ачиниш, азобланиш ҳис-туйғуларини уйғотади. Масалан, терроризм умуминсоний – гуманистик, эстетик идеаллар ўлчовидан туриб баҳоланганда, шу маънодаги кулгили ҳолат ҳисобланади. Кулгилилик санъатининг бадиий адабиёт туридаги камедия, сатира, юмор каби жанрларида ифодаланади. **Комедия** драматик жанр тури бўлиб, у гўзалликнинг муқобили бўлган хунукликни турли хил образ, характерлар тўқнашувида юзага келадиган кулгили ҳолатларда ифодалайди. Кулгили ҳолат эса Арасту таъкидлаганидек, хунукликнинг бир қисми, холос⁴⁴.

⁴⁴ Қаранг: Арасту. Ўша асар, 14-бет.

Масалан, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” комедиясида қайнона-келин муносабатининг тасвири замирида хунук ижтимоий иллатлар келтириб чиқарган собиқ иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқариш тизими устидан бўлган кулги ётади. Садриддин Айнийнинг “Қори ишкамба” ҳикоясидаги Қори образи инсондаги хунуклик маънавий тубанлик гўзаллик муқобилида тасвирланганлиги учун кулги уйғотади.

Жамият ҳаёти ривожига тўсқинлик қилувчи салбий воқеа, ходисаларни танқид қилиш, фош ва рад этишда **сатира (масхара)** жанри алоҳида мавқени эгаллайди.

Бу ўринда XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган машҳур шоир Муқимийнинг (1850-1903) сатирик жанридаги шеърларини мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, унинг “Танобчилар” шеърида чор колонизаторларининг гумаштаси бўлган маҳаллий амалдорларнинг қиёфаси фош қилинади.

“Танобчилар” сатирасининг асосий персонажлари маҳаллий амалдорларнинг вакили – танобчилар ер солиқчилари Султон Алирхўжа ва Ҳакимжонлардир.

Муқимий бу икки амалдорнинг халқни талаш учун тил бириктириб олганларини қуйма иборалар орқали фош этади:

Султон Алирхўжа, Ҳакимжон иков,
Бири хотун, бириси бўлди куёв.
Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё ҳаёл айлаки, қилмай нифоқ;
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироғёғи, Ҳакимжон пилик⁴⁵.

⁴⁵ Муқимий. Асарлар тўплами. Том II, Т., 1960, 5-бет.

Гротеск ва муболаға сатира йўналишлари бўлиб, улар кундалик ҳаётда учрайдиган турли хил салбий воқеа, ҳодисаларни танқид, фош этишда кенг қўлланилади.

Гротеск (фран.grotesque - ғаройиб) – ғаройибот ҳажв, кулгулиликни ифодаловчи санъатнинг ўзига хос жанридир. Унда муболаға усули қўлланилиб, кишида кўз ёши аралаш кўнгилсиз кулги уйғотади.

Гротеск ҳар бир нарсадан нуқсон изловчи, ғаламис, хира кимсалар устидан кулш ва уларнинг қуюшқонга сиғмайдиган қилмиш – кирдикорларини рад этишда қўлланилади.

Бунга мисол қилиб Ўзбекистон қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Мени кечиринг” интермедиясини келтириш мумкин. Унда ўта хира, ғаламис ходим (Ҳасан)нинг мажлисда ўз бошлиғи (Эргаш) га нисбатан танқидий сўз айтиб юборгани ва бунинг учун кечирим сўраб қабулига кирганлиги ҳикоя қилинади.

“Бошлиқ (Эргаш) ҳарчанд уни кечирдим дея тавалло қилса-да, лекин Ҳасан унга ишонмайди ва охири уни ўзининг хиралиги билан беҳуш қилиб йиқитади. Мана шу эпизод:

“Эргаш (тоқати тоқ бўлиб). Кечирдим. Минг марта кечирдим, биродар Ҳасан. Шунақа деяпсиз-у гапингиз астойдилга ўхшамаяпти.

Эргаш. Ҳой барака топкур, бундан бошқа қанақа қилиб кечирай?

Ҳасан. Овозингиз сал титраброқ чиқяпти-да. Астойдилга ўхшамаяпти.

Ундан ташқари башарангиз ҳам унчалик майин бўлмаяпти.

Эргаш. Кечирдим, кечирдим, кечирдим...

Ҳасан. Бари бир кечирганингиз билинмаяпти.

Эргаш (ҳолдан тойиб). Кечирдим!!!

Йўқол! (Ўзидан кетиб йиқилади).

Ҳасан. (тепасига келиб). Кечириши ўхшамасаям йиқилиши ўхшайди. Ҳозир дўхтир чақираман. Тирик қолса кечирмагунча қўймайман. Мабодо ўлгани рост бўлса, алвидо”⁴⁶.

Кулгуилиликнинг эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлиш шаклларида бири юмор (ҳазил) дир.

Юмор (инглиз.humour - кайфият) кулгуилиликнинг шундай турики, унда идрок этилаётган объектни эстетик баҳолашда жиддийлик ва ҳазил бирга қўшилган бўлади. У инсоннинг кулгуиликни юксак эстетик идеаллар даражасида ҳис этиш ва маънан англаш шаклидир. Шунга кўра шахснинг ривожланган юмор ҳис-туйғуси, уни фаҳмлаш қобилияти унинг маънавий баркамоллигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кишиларимизда кулги маданиятини шакллантириш маънавий-эстетик тарбиянинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин мазкур масалага бугунги кунда эстетик тарбия назарияси ва амалиётида етарлича аҳамият берилмасдан келинмоқда. Бир пайтлар академик шоир Ғафур Ғуломнинг куйиниб айтган куйидаги танқидий сўзлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас: “Кулги адабиёти тўғрисида ҳануз майдонда на мулоҳаза, на танқид, на муҳокама, ҳатто кулги йўли билан китоб ё мажмуа шаклида ёзилган бирорта асарга эга эмасмиз. Биздаги кулгичлик ярим унутилган ҳолда ўсмоқда. Кулги адабиёти тўғрисида ҳеч ким, ҳеч қачон бирорта янгилик билан майдонга кўтарилмади”⁴⁷.

Шундай қилиб, санъат асарлари фоживийлик кулгуилиликнинг эстетик моҳиятини англашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулосалар:

⁴⁶ Саид Аҳмад. Наср бўстони. Ҳикоялар ва интермедиялар. Т., “Ёзувчи”, 1991, 31-бет.

⁴⁷ Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар.Т., “Фан”, 1971, 299-бет.

1) Эстетиканинг мезоний тушунчалари фалсафий мазмунга эга бўлиб, улар кишининг табиат, жамият ҳодисаларига ва ўзига нисбатан бўлган баҳовий муносабатини ифодалайди.

2) Эстетик билиш эстетиканинг умумий мезоний тушунчалари тизими орқали амалга оширилади.

3) Эстетик онг ва фаолиятнинг моҳияти мазкур тушунчалар мазмуни орқали англашилади.

4) Эстетик мезоний тушунчалар санъат асарларини яратиш ва уларни идрок этиш, маънавий қадриятлар сифатида баҳолай билишнинг тамойиллари бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., “Ўзбекистон”, 1994.
2. Каримов И.А. Донишанд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси. 2000 йил, 8-июн.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.
4. Абдулла Шер, Баҳодир Хусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2010.
5. Аристотель. Поэтика. Т., Ғафур Ғулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти. 1980.
6. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т., 2001.
7. Муқимий. Асарлар тўплами. Том II, Т., _Ғафур Ғулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти. 1960.
8. Саид Аҳмад. Наср бўстони. Ҳикоялар ва интермедиялар. Т., “Ёзувчи”, 1991.
9. Умаров Э. Эстетика. Т., “Ўқитувчи”. 1995.
10. Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. Т., 1971.

Қўшимча адабиётлар

1. Бёрк Э. Философское исследование о происхождении наших идей о возвышенном и прекрасном. М., 1979.
2. Кант И. Наблюдения над чувством прекрасного возвышенного//Кант И. соч. в 6 томах. Т.2. М., 1990.
3. Кулгимиз олами тутсин. Т., “Фан”, 1989.
4. Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., “Искусство”, 1976.